

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

**“Оқолтин дон маҳсулотлари АЖда дон сифатига сақлаш жараёнида
хашоратларни таъсирини ўрганиш” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: «ҚҲМС ва ДИТ» таълим
йўналиши битирувчи 4 курс талабаси
М.Абдимўминова

РАҲБАР:
ўқит.Р.Худойбердиев

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки химоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси «_____» _____ 2019 йил

Гулистон – 2019 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| Кириш..... | 3 |
| 1. АСОСИЙ ҚИСМ..... | 5 |
| 1.1. «Оқолтин дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти түгрисида маълумот..... | 5 |
| 1.2. Буғдой донининг аҳамияти, морфологик ва биологик тавсифи..... | 12 |
| 1.3. «Оқолтин дон маҳсулотлари» АЖда дон уюмларини сақлаш тартиби ва усуслари..... | 21 |
| 1.4. «Оқолтин дон маҳсулотлари» АЖда буғдой донини тозалаш ва қайта ишлашда чиқадиган чиқитлар ва улардан фойдаланиш..... | 27 |
| 2. ДОННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ..... | 32 |
| 2.1. Доннининг тузилиши ва кимёвий таркиби..... | 32 |
| 1.2. Дон сифатини таҳлил етиш учун нусха ва намуналар олиш усуслари..... | 37 |
| 2.3. Дон сифати ва софлик кўрсаткичларини аниқлаш усуслари..... | 42 |
| 2.4. Дон ва дон маҳсулотлари зааркурандалари билан заарлаганлигини аниқлаш..... | 44 |
| Хулоса ва таклифлар..... | 55 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати..... | 54 |

К И Р И Ш

Мамлакатимизда дон экинларининг майдони пахтадан олдин биринчи ўринда туради. Уларнинг ҳажми жами экин майдонларининг 37,2 фоизини ташкил этган. Маккажӯхори, шоли, окжӯхори, шунингдек, дуккакли дон экинларининг кўпи суғориладиган ерларга экилади. Бу ерларнинг аксари қисмини (500 минг гектарни) буғдой ва арпа экинлари ташкил этади. Ҳамда салмоғи жиҳатидан улар дон экинлари орасида биринчи ўринда туради.

Сирдарё вилоятида 2017 йилда 174400 тонна ғалла етиштирилган бўлиб, бу кўрсаткич президентимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига қаратган катта эътибори ҳамда меҳнаткаш дехқонларимизнинг сайи харакати билан 2018 йилда 184969 тонна ғалла етиштиришга эришилди.

Мамлакатимизда асосий ғаллакор хўжаликлар Самарканд, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Сурхандарё вилоятларида жойлашган. Фарғона водийси вилоятларида хам дон экини майдонлари кейинги йилларда анча кенгайди. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида эса дон экинларидан асосан шоли етиштирилади. Жаҳондаги экин майдонларининг 53 фоиздан ортигини ғалла ва дон-дуккакли экинлар ташкил этади.

Республикамида дон маҳсулотларини етиштириш тизимда ҳам сўнги йилларда катта ютуқларга эришилди.

Шу билан бир қаторда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида бир қанча қийинчиликларга қарамасдан юртимиз бўйича 6 миллион 124 минг тонна ғалла, 2 миллион 300 минг тонна пахта, 8 миллион 661 минг тонна сабзавот, 2 миллион 411 минг тонна картошка, 1 миллион 607 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 100 минг тоннага яқин мева, 1 миллион 314 минг тонна узум, 18 минг тонна пилла, 1 миллион 789 тонна гўшт, 7 миллион 830 минг тонна сут тайёрлашга эришганингиз таҳсинга лойиқлигини такидлаб, барча қишлоқ аҳлига ана шундай олижаноб меҳнатингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан катта раҳматлар айтиб, чин қалбимдан миннатдорлик билдиришини айтиб ўтди.

Ўзбекистонни 2017-2021- йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам

модернизация қилиш борасида энг муҳим вазифаларни аниқ белгилаб, уларни изчил амалга ошириб бораётганимиз соҳадаги улкан муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларда экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка - 3,1 марта, сабзавот - 3,2 баробар, узум - 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум - 3,4 баробар ошди.

Мамлакатимизда аҳолисининг кўпайиши натижасида кишиларнинг турлитуман ва сифатли дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораётганилиги туфайли ғалла етиштиришни йилдан-йилга кўпайтириш зарур.

Дон маҳсулотларини етиштириш мавсумий бўлганлиги сабабли, уни маълум вақтгача сақлашни тақозо этилади. Гарчан дон маҳсулотларини сақлаш бўйича жуда кўп асрлик тажриба тўпланган бўлсада, ҳозирда уни сақлашдаги нобудгарчилик 10-15% ни ташкил қиласди.

Шу сабабли, дон маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлашда замонавий технология ва техникадан фойдаланиш унинг нобудгарчилигини анча камайтиради ва маҳсулот сифатини бир мунча яхшилайди.

Мамлакатимизда дон, уруғ ва улардан қайта ишлаб олинган маҳсулотлар давлат ва фермер хўжаликларида, уруғчилик станцияларида, элеватор, дон қабул қилиш корхоналарида, тарқатиш базасида, тегирмон, ёрма, омухта ем заводларида, шунингдек нон ва макарон заводларида, крахмал, пиво ва спирт ишлаб чиқариш заводларида сақланади.

Мен томондан бажарилган БМИ Оқолтин дон маҳсулотлари АЖда дон сифатига сақлаш жараёнида хашоратларни таъсирини ўрганиш мавзусига бағишлиланган бўлиб, мавзу бўйича тўпланган маълумотлар асосида келажакда фойдаланишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

1. АСОСИЙ ҚИСМ

1.1 «Оқ олтин дон махсулотлари» акциядорлик жамияти түғрисида

маълумот

“Оқ олтин дон махсулотлари” АЖ донни қабул қилиш, сақлаш, тозалаш, қайта ишлиш натижасида ун, омухта ем, макарон, нон ва кандолат махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Жамият 1980 йилда Олмаота шахрининг ГОСНИИ «Средазпромзернопроект» корхонасида лойихалаштирилиб 1987 йилда Сирдарё вилоятининг хозирги Сайхунобод (Варашилов) тумани Ёшлик қўрғонида қурилиб ишга тушди.

“Оқ олтин дон махсулотлари” АЖ худуди 18,4 га бўлиб, пиреметр бўйлаб бетон тўсиқ ўралиб, У шаклида ва ички томонидан тиканли сим билан ўраб чиқилган. Худуднинг икки дарвозаси мавжуд бўлиб, автомобиллар учун шарқий томонида жойлашган ва ишчи хизматчилар, мижозлар учун ўтиш жойи мавжуд, Ғарбий томондан эса темир йўл дарвозаси қўрикланади. Худуд ичida қуввати соатига 25 кг печенье цехи, 150 кишига мўлжалланган ПРУ-150 (радиацияга қарши химояланиш иншоати), темир йўл ДЕПОси ва 1 дона ISUZU русумли ўт ўчириш автомашинаси депосида сақланади. Механика цехи.электро цех.қурилиш бўлимии, 20 дона МАН русумли юк машиналари ва уларга ёкилғи қуюш шахобчаси мавжуд. Ишчи хизматчиларни гўшт, сут ва қатик махсулоти билан таъминлаш мақсадида қорамолчиликга мўлжалланган 65 бошли ёрдамчи хўжалик мавжуд. Худуди ичida ичимлик суви башняси. 10 минг тоннага мўлжалланган усти ва атрофи ёпик буғдой донини сақлайдиган омбор, 2000 йилда қурилган қуввати суткасига 40 тонна сара уруғлик дон цехи 2012 йилда модернизация қилиниб хозирги кунда германиянинг Петкус фирмасининг мулти очистка буғдой саралаш дастгохи ва италиянинг қадоқлаш дастгохи буғдой хавфли касалликларга учрамаслик учун бўяш дастгоҳлари қўйилиб қуввати 200 тонна суткасига сара уруғлик буғдой донни ишлаб чиқарив, 3000 тонна қопта сакланадиган ёпик ва 3000 тонна олди очик мавсумий омбордан фойдаланиб келмокда.



“Оқ олтин дон махсулотлари”АЖ бир йиллик буғдой хажм айланмаси 150 минг тоннадан иборат ишчилар сони 345 та ишчи хизматчилар,буғдой йифим терим мавсумида 160 та мавсумий ишчилар ишга жалб қилинади. “Оқ олтин дон махсулотлари”АЖ жамиятимиз худуди ташқарисида 50 кишига мұлжалланган ёзги ва қишиги ишчилар ошхонаси ва икки қаватли мавсумий дон қабул қилиш тахлил хонаси ва маркетинг бўлими жойлашган.

Дарвозалар ва ички худуд ички ишлар бўлинмаси ва корхонадаги махсус қоровуллар билан қўриқланади, Категорияси “Б” тақиқланган худуд хисобланади.

“Оқ олтин дон махсулотлари” АЖ га қарашли Сирдарё туманида жойлашган худуди 4 га бўлган «Шухрат»филиали мавжуд бўлиб, пиреметри бўйича 2 метр баландликда темир бетон ва юқорисида Y шаклида тиканли сим билан ўраб чикилган.кириш автомобиль,ишчилар кириб-чикиш учун дарвоза ва темир йўл дарвозаси мавжуд бўлиб,дислокация бўйича ўртача 24000 тонна буғдой қабул килади,шундан 16000 тоннаси ёпиқ сифимларга жойлаштирилади

ва темир йўл ва автомобиль орқали жўнатилади.

Оқолтин тумани Бобур СИУ худудида жойлашган “Бобур” дон қабул қилиш шахобчаси мавжуд бўлиб.дислокация бўйича 32000 тонна буғдой очик майдонга қабул қиласди,пиреметр бўйлаб бетон тусик уралиб, У шаклида тиканли сим билан ўраб чиқилган.кириш дарвозаси 1 дона (темир йўл мавжуд эмас)

Гулистон тумани Дехконобод СИУ худудида жойлашган “Гулистон дон”филиали мавжуд бўлиб,ушбу майдолн ижарага олинган.Дислокация бўйича 19000 тонна буғдой очик майдонга қабул килинади, пиреметр бўйлаб бетон тўсик ўралиб, У шаклида тиканли сим билан ўраб чиқилган. Кириш дарвозаси 1 дона (темир йўл мавжуд эмас).

Оқолтин ва Сирдарё туманларида пахта хосилдорлиги ошириш мақсадида биолабораториялари мавжуд.

2013 йил Мирзаобод туманининг Хайдар массивида суткасига 3 тонналик Германиянинг “WAHTEL” фирмасига қарашли нон ишлаб чиқариш дастгохи ўрнатилиб, хозирги кунда халқимизни иссик нон билан таъминлаб келмоқда.

Сирдарё туманинг Камаристон шахарчасида суткасига 3 тонналик Германиянинг “WAHTEL” фирмаси билан билан шартнома асосида Камаристон нон” МЧЖ иш фаолияти йўлга куйилган.



«Оқ олтин дон маҳсулотлари» корхонаси «Ўздонмаҳсулот» Давлат Акционерлик корпорациясининг 1994 йил 20 июндаги 311-сонли буйруги ва Сайхунобод тумани хокимлигининг 1995 йил 23 августдаги 268 – сонли қарорига асосан акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қўйидаги турларини амалга оширади:

Ун маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш;

Кишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилган дон маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;

Ғалла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;

Ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва ахолига етказиш;

Омухта ем ишлаб чиқариш;

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш;

Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;

Автотранспорт хизмати кўрсатиш;

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташки иктисадий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

Корхонани техник жиҳатдан жиҳозлаш, замонавийлаштириш, чет эл

инвестицияларини жалб этиш, корхонани ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш.

Жамият қонунчилликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

Сирдарё вилоятида 2 та дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, “Оқ олтин маҳсулотлари” АЖ Сайхунобод туманида, “Ховос дон маҳсулотлари” АЖ Ховос туманида жойлашган . “Оқ олтин дон маҳсулотлари АЖ нисбатан йирик корхона хисобланади ва вилоятнинг қарийб 60% ахолисини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлай олади.

«Оқ олтин маҳсулотлари”АЖ да ун, макарон, нон , кандолат ва омухта-ем маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Тегирмон цехининг технологик услуби 1 тонна буғдойдан 70 % биринчи навли ун маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Нон цехида 600 гр ли формаларида нон ишлаб чиқарилади, шунингдек турли кандолат ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Озуқа аралашмаси ишлаб чиқаришда корхонада кайта ишланган буғдойдан ажратилган ундан ташқари кепак, 50%ли ва 70%ли буғдой қолдиқлари, уруғлик буғдойни қайта ишлаш хисобига қоладиган 85%ли буғдой қолдиғи ишлатилади, шунингдек, кушиладиган хом ашё маҳсулотларини Республика хамда вилоятимиздаги ёг экстракция заводларидан, гушт комбинатларидан, озуқабоп минерал моддалар ишлаб чиқарувчи заводлардан ва вилоятимиз дон қабул қилиш корхоналаридан, ахоли ва фермер хўжаликларидан келишилган нархларида арпа, сули, макка, шрот, мука известняк, гуруч қолдиғи, ут уни, макка сутаси ва бошқа бошокли донларни қабул қилиш ва таъминлаш режалаштирилган.

Сирдарё вилоёти дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар таркибидаги турдош корхоналар орасида « Околтин дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қуввати хамда маҳсулот турлари бўйича алохида ажралиб туради. Ун маҳсулотлари талаб ва таклифлардан келиб чиккан холда хажми 50 килограмм бўлган полипропилен қопларда кадокланиши йўлга

куйилган. Озуқа аралашмаси ишлаб чиқариш турлари хамда хажми жихатидан вилоят микёсида асосий ўринда туради.

Корхонадаги Тегирмон цехида ишлаб чиқарилаётган ун махсулотларининг ва ишлаб чиқарилаётган омухта ем, макарон, нон махсулотларини сифати бўйича бозорда ўз мавқеига эга. Уруғлик цехига замонавий Германиянинг “Петкус” уруғ тозалаш ва дорилаш ускуналари ўрнатилганлиги учун фемер хўжаликларига сифатли уруг тайёрлаб бериш имкониятига эга.

«Оқ олтин махсулотлари” акциядорлик жамиятининг асосий ишлаб чиқариш цехлари:

- * Тегирмон
- * Омухта-ем ишлаб чиқариш цехи
- * Кандолат цехи
- * Мирзаобод “Вахтель”кичик нон цехи”
- * “Камаристон Нон” хўжалик хисобидаги МЧЖ
- * Уруғлик ишлаб чиқариш цех
- * Оқолтин ва Сирдарё туманида жойлашган Биолабаратория
- * Тайёр махсулот сақланадиган ва юклаб жўнатиладиган 1 та 2 этажли ун омбори мавжуд.

Омухта ем цехи хам модернизация килиниши зарур, омухта ем ишлаб чиқариш учун қўшимча хом ашё сотиб олишни кўпайтириш чораларини кўриш. Биржада ва фермер хўжаликлари билан шартномаларни тузиш ва олиб келинган хом ашё билан турли омухта ем махсулотларини ишлаб чиқариш .

Ишлаб чиқарилган ун махсулоти OzDSt 1104:2011. давлат стандарти талабларига мувофик ўрнатилган тартибда тасдиқланган рецептура ва технологик йўриқнома, санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя қилган холда ишлаб чиқариши керак:

1. Ун махсулотининг витамин ва минераллара мавжудлиги микдори бўйича
2. Қўшимча қўшиладиган витамин ва минерал аралашма микдори бўйича
3. Таркибидаги керак моддалар микдори бўйича.

4. Ранги хиди, таъми ва ғичирлаши бўйича
5. Намликнинг меъёр масса улушкидан кўп эмас
6. Ундаги кулнинг масса улушкига (хазм бўлмайдиган миқдори)
7. Зааркунандалар билан заарланганлиги ва ифлосланганлиги
8. Ундаги металломагнит аралашмаларини миқдори.
9. Ундаги хом клейковинанинг масса улушки ва сифатини аниқлаш.
10. Ундан нон хажмий чикиши, шаклининг турғунлиги, органолептик кўрсаткичларини миқдори.
11. Қадоқлаш, маркалаш ва сақлаш.

Ишлаб чиқарилаётган ун махсулоти жамиятнинг лабораториясида доимий равища текшириб борилади хамда махсулотлари сифати талабларга жавоб бериши доимий назоратда олиб борилади.

Омухта ем махсулотларини ишлаб чиқариш TSh 8-95-2012 стандарти талаблари асосида амалга оширилади.

Омухта ем, хом ашё намуна олиш усули

1. Намликни аниқлаш усули
2. Азот ва хом протеин миқдорини аниқлаш усули
3. Металло магнит аралашмалари миқдорини аниқлаш усули
4. Хиди ва зааркунандалар билан заарланганлиги ва ифлослигини аниқлаш усули
5. Тузли кислотада эримайдиган қум миқдорини аниқлаш усули
6. Фосфор ва калций миқдорини аниқлаш
7. Натура(сифатидаги) қолдиқнинг оғирлиги хажмга нисбатан.

Буғдойни қабул қилиш ва ортиш ишларида қуйидаги кўрсаткичлар

бўйича талаблар қўйилади:

1. Анализ усулларига
2. Хиди ва рангига
3. Сифатига
4. Намлилигига

5. Зааркунанда билан заарланганлигиги бўйича
6. Ифлослиги ва бошқа дон аралашмалари миқдори бўйича
7. Натура, 1 литр хажмдаги буғдой оғирлиги 0.750 кг
8. Типлари бўйича (3-синф, 4-синф, 5-синф, арпа ва хакозо)
9. Оқсил миқдори бўйича
10. Число подения (кунлик миқдори узгариши)
11. Доннинг шаффоғлиги
12. Клекавина и(ёпишқоқлиги)

1.2. Буғдой донининг аҳамияти, морфо-биологик тавсифи

Дон мураккаб кимёвий таркибга эга. У инсон организми эҳтиёжлари учун зарур бир қанча моддалардан ташкил топган. Дон ва мойли ўсимликлар таркибига кирувчи моддалар икки катта гуруҳга бўлинади: органик ва ноорганик. Органик моддалар гуруҳига оқсил, нуклеин кислоталар, углеводлар, липидлар, ферментлар, витаминлар, пигментлар ва бошқа моддалар киради. Ноорганик моддаларга минерал моддалар ва сув киради.

Оқсил инсон ва ҳайвон аъзоларининг ҳаётий жараёнларида муҳим рол ўйнайди. Дон инсон организмини оқсил билан таъминлаб турувчи асосий маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Оқсил тўла қимматли алмаштириб бўлмайдиган (ўрни қопланмайдиган) ва тўла қимматга эга бўлмаган, яъни алмаштириб бўладиган ўрни қопланадиган аминокислоталардан иборатdir. Барча алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни сақловчи оқсиллар биологик алмаштириб бўлмайдиган оқсиллар деб аталади, қолганлари эса тўла қимматга эга бўлмаганлар гуруҳига киради.

Инсон ва ҳайвон организмида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар синтезланмасдан, улар озиқалар таркибида учрайди ва тайёр ҳолда қабул қилинади. Донлардаги биологик тўла қимматга эга бўлмаган оқсиллар етарли миқдорда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар лизин ва треонинга эга эмас.

Оқсиллар инсон аъзоларида парчаланиб, ўзидан эркин равишда 5,7 ккал/г

(23,94·103 ж) микдорида қувват ажратади.

Углеводлар. Дон таркибида углеводлар бошқа моддаларга нисбатан кўп бўлиб, унинг микдори 60 фоизни ташкил қиласди. Улар дон ва дон маҳсулотларини сақлашда, ундан нон маҳсулотлари тайёрлашда бижғиши жараёнларида асосий қувват манбаи сифатида катта аҳамиятга эга.

Углеводларнинг қувват қиймати 4,1 ккал/г (17, 24·103 ж.)ни ташкил қиласди.

Дон таркибида турли углеводлар бўлиб, улар оддий шакарлар ёки моносахаридлар (пентозалар, гексозалар) ва дисахаридлар (сахароза ёки қамиш шакари: малтоза ёки солод шакари); крахмал; клетчатка ёки целлюлоза; гемицеллюлозалар: слизлардан ташкил топган. Моносахаридлардан бошқа ҳамма углеводлар ошқозон-ичак йўлида гидролитик парчаланади. Моносахаридлар (пентоза ва гексозалар) сувда енгил, спиртда эса қийин эрийди, эфирда умуман эримайди. Уларнинг кўпчилиги ширин таъмга эга [Максимов Г.А., Колкунова Г.К., 1980].

Ферментлар лотинча fermentare сўзидан олинган бўлиб, тўлқинлатувчи деган маънони англатади.

Ферментлар хужайралардаги айрим кимёвий реакцияларни тезлаштириш билан бирга, чексиз хилма-хил кимёвий ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади; бу ўзгаришлар йиғилиб, моддаларнинг биологик алмашинувига сабаб бўлади. Ферментларнинг аҳамияти шундаки, улар таъсирида организмдаги (дондаги) деярли барча жараёнлар тезлашади. Бу шундан далолат берадики, дон ва уни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар етилаётганда, дон унаётганда, уни сақлашда, нон пиширишдаги барча биокимёвий жараёнларда албатта ферментлар иштирок этади.

Витаминларнинг кимёвий тузилиши турлича бўлади. Уларга одам ва ҳайвонларнинг, шунингдек ўсимлик ва микроорганизмларнинг озиқланиши учун жуда оз микдорда зарур бўладиган нисбатан қуи молекуляр органик бирикмалар киради. Витаминларнинг барчасида бошқа моддалардан фарқ қиласиган қуйидаги ўзига хос хусусиятлар бўлади [З.Умаров, Х.Атабаева,

А.Алимов 1994].

Дон таркибида сувда эрийдиган саккизта витамин бўлади: тиамин, рибофлавин, ниацин, пиридоксин, биотин, аскорбин кислота, пантотен кислота, миоинозит.

Тиамин (витамин В1) водород бромиднинг бирикмасидир. Фермент пируватдекарбоксилаза таркибига киради ва ҳайвон, ўсимлик организмида, микроорганизмларда углеводларнинг бошқа моддаларга айланиш жараёнларида муҳим роль ўйнайди.

Ниацин (никотинамид витамин PP) пиридин дигидроназа ферментлари таркибига киради, бу ферментлар водород ташишда иштирок этади. Ниацин миқдори буғдойда 45—70 мкг г, кепакда 120—325 мкг г бўлади ва ҳ.к.

Қаттиқ ва юмшоқ буғдой донидаги кул миқдорининг ўзгариб туриши ҳам кузатилган. Юмшоқ буғдой эндоспермасида кул миқдори 0,26 дан 0,5 фоизгacha ўзгариб, ўртacha 0,42 фоизни ташкил этади, алейрон қатлами билан биргаликда олинганда қобиқлардаги кул миқдори 7,74 дан 11,65 фоизгacha, ўртacha 9,65 фоиз бўлади. Қаттиқ буғдойда эндоспермасидаги кул миқдори кўпинча юмшоқ буғдойдагидан кўп бўлиб, 0,3 дан 0,6 гача, ўртacha 0,46 фоиз бўлади, алейрон қатлами билан биргаликда қобиқлардаги кул миқдори эса, аксинча, қаттиқ буғдойдагига қараганда камроқ - 6,34 дан 10,25 фоиз гача.

Донларда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар 25-28 фоизни ташкил қиласди. Ун-ёрмалардаги бу нисбат донларидан мева қобиқлари ва муртакни олиб ташлагандан сўнг аминокислоталарнинг камайиши ҳисобига пасаяди. Юқори навли ун таркибида оқсил моддасининг миқдори пасайиши сабабли алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг истеъмол даражаси ҳам камайиб боради. Олий навли ундан тайёрланган 500 г нонда бўлса, оқсил моддаси 30 фоиздан ошмайди, I навли унда эса - 35 фоиз, II навли унда 40 фоизга яқин ва жайдари унда 45-55 фоизни ташкил қиласди. Худди шунга ўхшаш бошқа биологик фаол аралашмалар, шу жумладан витаминлар 15-60 фоиз, минерал моддалар эса 15-80 фоизни ташкил қиласди. Ун навлари ичида истеъмол қиймати бўйича жайдари ун юқори ҳисобланади, унда инсон

организми учун зарур барча озиқ моддалар мавжуддир [Хайтов Р.А., Эргашева Х.Б., Шукуров З.З., 1998].

Валецли станокларда майдаланган дон қобиқларида толасимон моддалар бўлиб, улар овқат ҳазм қилиш жараёнида ичаклардаги турли тошқол (шлак)ларни чиқариб юборишга, ичакларнинг физиологик фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Бугунги кунда чет эл технологлари турли навли унлар таркибидаги оқсил, крахмал, минерал моддалар ва витаминалар миқдорини истеъмолчиларнинг талабига биноан кўпайтириш имкониятларини қидирмоқдалар.

Буғдой-жаҳоннинг асосий дон экини. Буғдой энг кўп тарқалган ва кенг фойдаланиладиган экин тури. Буғдойдан озиқ экини сифатида фойдаланиб унинг донидан ёрма олинади, унидан эса нон ёпилади ва бошқа нон маҳсулотлар тайёрланади (нон навлари, крекетлар, пишириқлар, бисквитлар, макарон маҳсулоти, музқаймоқ, спагети, пудинг ва бошқалар). Нон маҳсулотлари хуштаъмлиги ва сифатлилиги билан ажralиб туради ва етарли калорияга эга [Беркутова Н.С., Швецова И.А., 1977].

Инсон ўзининг ҳаётий фаолияти учун керак бўладиган энергиянинг 20% ни буғдой ҳисобига тўлдиради, 21% ни шоли, кейин қолганларини картошка ва маккажўхори ҳисобига тўлдиради.

Буғдойнинг хуштаъмлилик, сифатлилик, калорияси ва маҳсулотларининг ҳазм бўлиши унинг донининг кимёвий таркибига боғлиқ. Буғдой оқсилиниң қиммати унда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг борлигидандир. Буғдой донида оқсилдан ташқари оқсилли модда- клейковина мавжуд, нон маҳсулотлари унинг борлиги учун яхши пишади.

Миллионлаб одамлар учун буғдой керакли озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб келмоқда, ер шари аҳолисининг қарийб барчасига яшashi учун ягона маҳсулот тури бўлиб турибди.

Қобиқ донни ташқи заарли таъсирлардан ҳимоялайди. Механик шикастлар, захарли моддаларни қўшилиши ва хоқазо. Қобиқ органик ва анорганик моддаларни сигдирмаслиги донни касалликларга қарши кимёвий

моддалар билан ишлов беришга кенг имкон беради. Қобиқлар сув ва дон униши учун зарур бўлган кислородни ўзидан ўтказади. Донда ёриғлар ва турли шикастларни бўлиши унинг сақлашга чидамлилигини камайтириб юборади. Мева қобиғи 3 қатlam тўқималардан, яъни бўйлама, кўндаланг ва қувурсимон бўлади. Уруғ қобиғи хам 3 қатlamdan иборат: шаффоф сув сингдирмайдиган қатlam, ёрқин бўлган пигментли қатlam, шаффоф шишувчан қатlam.

Эндосперм доннинг асосий массаси, унда алейрон қатlam мавжуд. Унда заҳира озуқа моддалар ва асосан крахмал тўпланади.

Муртак- бўлғуси ўсимлик куртаги ҳисобланади. У муайян яъни кислород, иссиқлик ва сув етарли бўлганда ўса бошлайди.

Эндосперм массаси ноқулай шароитларда (совуқ, қурғоқчилик ва х.к.) камайиши мумкин. Бунда дон пуч бўлиб қолади, бундай донларда қобик улуши ортиб кетади. Дон пуч бўлсада муртак етарлича ривожланаверади, шунинг учун пуч, тўла ривожланмаган донда муртакнинг улуши ҳам ортиб кетади (жадвал-1.1).

1.1-жадвал

Турли даражада етилган буғдой бутун дон ва муртак вазнининг кўрсаткичи

| № | Кўрсаткичлар | Етилган дон | Пуч дон |
|---|------------------|-------------|---------|
| 1 | Дон вазни, мг | 42.34 | 15.80 |
| 2 | Муртак вазни, мг | 0.66 | 0.48 |
| 3 | Муртак улуши, % | 1.55 | 2.91 |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, донли экинларни етиштиришда пуч донларнинг юзага келишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир.

Буғдой бошоқдошлар - Poaceae оиласига мансуб, авлоди Triticum L., бўлиб кўп турларни ўз ичига олади.

Турларнинг таркиби ўзгарувчан. Ҳозирча буғдойнинг 27 та маданий ва ёввойи турлари аниқланган. Буғдойнинг кўп турлари табиий чатиштиришдан ва эгилопс авлодидан келиб чиқсан. Буғдойнинг ҳамма турлари хромосомалар

турига кўра 4 та генетик гурухга бўлинади.

I. Диплоидли-2n-14

- 1.Ёввойи беотик бир донли-Tr.boeoticum Boiss.
- 2.Ёввойи буғдой Урарту-Tr.urarticum Tum.
- 3.Маданий бир донли –Ек.monococcum L.
- 4Синская буғдойи-Tr.sinskajae Filat et.Kurk.

II. Тетраплоидли турлари –2n-28

- 1.Апарат –Tr.araraticum Jakubz.
2. Икки донли ёввойи буғдой - Tr.dicoccoides Korn.
- 3.Тимофеев буғдойи –Tr.Timopheevi Zhuk.
- 4.Полба икки донли-TR.dicoccum Schuebl.
- 5.Полба Исфахан буғдойи-Tr.ispahanicum Hest.
- 6.Қаттиқ буғдой-Tr.durum L
- 7.Персикум(карталинск буғдойи) –Tr.persicum Vav.
- 8.Тургидум (английск буғдойи)-Tr.turgidum L.
- 9.Полоникум (Польша буғдойи)-Tr.polonicum L.
- 10.Эфиопская –Tr. Aethiopicum Jacubz.
- 11.Милитина буғдойи- Tr.militinae Zhuk et.Migusch.
- 12.Турон буғдойи- Tr.tiraticum jakubzю
13. Калхид полба буғдойи – palaeocolhicum Men.

III. Гексаплоид –2n-42

- 1.Маха буғдойи-Tr.macha Dek.et Men.
- 2.Спельта буғдойи-Tr.spelta L.
- 3.Вавилов буғдойи –Tr.vavilovi jakubz.
- 4.Юмшоқ буғдой –Tr.aestivum Z.
- 5.Карлик буғдой –Tr.compactum Host.
- 6.Думалоқ буғдой-Tr.sphaerococcum Pers.
- 7.Жуковский буғдойи –Tr.Zhukovskyi Men et.Er.
- 8.Петропавловск буғдойи-TR.Petropavlovskyi Udacz et.Migusch.

IV. Октаплоид 2n-56

- 1.Кўзиқорин буғдойи-Tr.fungicidum Zhyk.
- 2.Тимоновум буғдойи-Tr.timonovum Hest. Et. Fer.

Бу турларнинг ичида энг кўп тарқалгани юмшоқ ва қаттиқ буғдойлардир.

Юмшоқ буғдой (оддий).--*T.aestivum* L.-бу тур бошқа турларга нисбатан ўзининг барча хоссалари билан жуда пластик ҳисобланади. Юмшоқ буғдой қутиб доирасидан бошлаб жанубий ярим шаригача экиласди. Турнинг 100 та тур хиллари мавжуд.


Бошоқнинг асосий белгилари: қилтиқли ва қилтиқсиз, тукли ва туксиз. Бошоқнинг узунлиги 5-15 см. Бошоқнинг юз қисми ён томонига нисбатан кенгроқ. Бошоқлари бўш ва зичлиги Дқ10-38.

Яровизация даврининг давомийлиги турлича, кузги, ярим кузги ва баҳорги шакллари мавжуд. Бўғинлар сони 4-7, узун ёргуғ кунда яхши ривожланади, шимолий буғдойларнинг қилтиқлари мурт синувчан, юпка, жанубий буғдойники зич, ғадир-будир, сингмайдиган бўлади. Фурқатли (қилтиқ ўрнида ўсимталар мавжуд) шакллари бор.

Бошоқнинг тукланганлиги кўпчилик холатларда ташқи муҳит шароитларига боғлиқ, яъни органогенезнинг 6-7 босқичларни ўтишига (ҳаво намлиги, тупроқ намлиги).

Қаттиқ буғдой- *T.durum* Desf. Тарқалиш ареали бироз қисқароқ, юмшоқ буғдойга нисбатан. Асосан баҳорги шакллари мавжуд. Кузги ва ярим кузги шакллари кам учрайди. Турнинг 56 та ҳар хил турлари мавжуд. Асосий белгилари: бошоқ зич, бошоқнинг ён томони юз қисмига нисбатан кенгроқ. Бошоғи тукли ва туксиз, ҳамиша қилтиқли, бошоқнинг узунлиги 5-15 см, қилтиқларнинг узунлиги 10-23 см. Бошоқнинг зичлиги Дқ26-40. Бошоқчалари кўп гулли. Бошоқчаларнинг қобиқчалари терисимон, аниқ кўзга ташланган, тишчалари ўткир, учлари билан фарқланувчи хусусиятлари- дони шишасимон кўп миқдорда оқсил сақлайди. Шу кўрсаткичи билан жуда кўп турлардан фарқ қиласди, лекин ноқулай шароитларда ҳосили тез суратда тушиб кетади. Тур қурғоқчиликка чидамлилиги билан ҳамда ҳашоратларга чидамлилиги билан,

ётиб қолмаслиги, сомони сочилмаслиги ва шу каби кўрсаткичлари билан фарқ қиласди. Ўсимликнинг бўйи 80-120 см. қаттиқ буғдойнинг турли белгилари ташқи шароит таъсири остида органогенезнинг босқичлари давомида шакланади (расм-1.1).



1.1-расм. Буғдойнинг тур хиллари.

Буғдой икки хил илдизга эга:

1. *Муртак илдиз* – уруғ унганда муртакдан ҳосил бўлади, у одатда 3-5 дона бўлади;

2. *Қўшимча илдизлар* кечроқ, ер ости поя бўғимларида ҳосил бўлади ва ўсимликнинг доимий илдизи бўлиб қолади. Нокулай шароитларда қўшимча илдизлар шакланмаслиги ҳам мумкин, бу пайтда муртак илдизлар ўсимликнинг ягона ва асосий илдизи бўлиб қолади, лекин бунда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади [Гинзбург А.С., Дубровский В.П., Казаков Е.Д., 1980].

Х.Атабоева ва бошқалар [2002] маълумот беришича, ўсимликда ҳар бир иккиламчи поя ўзининг қўшимча илдизини ҳосил қиласди. Шу зайлда шохланган қўшимча илдиз тизими юзага келади, бу илдизлар 60-180 см гача чукурликда тарқалади. Илдизларнинг ҳосил бўлиши бошоқлаш даври бошлангунча давом этади. Дастреб илдизлар эндоспермдаги заҳира моддалар

ҳисобига озиқланади, кейинчалик эса ўсимлик шу илдизлар орқали тупроқдан озиқа моддаларни ўзлаштира бошлайди.

Пояси (похоли) тўғри ўсувчи, цилиндрсимон, бўғимлар ва бўғим оралиқларидан иборат, силлиқ. Бўғим оралиқлари яланғоч, бўғимлари эса тўла. Бўғимлар сони одатда 6 та, аммо бўғимлари бундан кўп ёки кам ўсимликлар ҳам учраб туради. Энг пастки бўғим фаоллиги жуда қисқа, иккинчисининг узунлиги 2,5 см бўлади, унда иккиласмчи шохлар ҳосил бўлади. Юқорига чиқсан сариқ бўғим оралиқлари узайиб боради, демак энг узун бўғим оралиғи юқориги бошоқ тузувчиси ҳисобланади. Ўсимликнинг баландлиги йифим-терим учун юқори аҳамиятга эга ҳисобланади. Мексика селекционерлари пояси қисқа ва мустаҳкам навларни яратишга эришдилар. Бу навлар ётиб қолмайди ва юқори ҳосил беради. Похол поясининг ранги тилларанг – сариқ, оқ.

Уруғпалла – муртак поядан бироз узунроқ бўлган қалқончадир, қалқончанинг эпидермис қатлами эндоспермга зич ёпишгандир. Қалқонча эндосperm крахмалини парчаловчи диастаза ферментини ишлаб чиқарди. Эндосpermнинг озиқавий моддалари муртакка уруғ униши даврида келиб тушади.

Колеоптиль – биринчи барг бўлиб, 2-3 муртак баргини қоплаб туради, шакли цилиндрсимон бўлиб учки қисми тешик. Мазкур тешик орқали биринчи яшил барглар ўсиб чиқади. Баъзи олимлар колеоптильни барг пластинкасиз, барг қини деб ҳисобланади (Емельянова). Колеоптиль яшил тусда ёки деярли оқ тусда бўлади, шунингдек у суст фотосинтетик фаолликка эгадир.

Барглари – ҳақиқий барглари навбатланувчи, похолпояда икки қатор бўлиб жойлашади. Ҳақиқий барги барг қини, барг шапалоғи, тилча ва қулоқчадан иборатdir. Ҳар бир барг қини бўғим бўйлаб жойлашади, яъни бу ерда у похолпояга бирикади. Барг шапалоғи чизиқли ва параллел томирларга эга. Барг қинидан шапалоққа ўтиш жойида юпқа тилча жойлашади ва похолпояни мустаҳкам тутиб туради. Тилчалар рангиз тусда бўлади. Барг қини четларида қулоқчалар жойлашади. Улар пояни мустаҳкам ушлайди, ранги ёрқин яшил ёки пуштисимон тусда бўлади.

Тўпгули – бошоқ. Бошоқ ўзаги бўғимлар ва бўғим оралиғидан иборат. Ҳар бир бўғим оралиғи юқорига қараб кенгаяди, яъни унинг юзасида бошоқчалар жойлашади. Бошоқчалар – редуцияланган шохлардир. Ҳар бир бошоқча иккита бошоқча қобиғи ва 2-5 та гулдан иборат. Ҳар бир гули иккита гулқобиқдан иборат ва улар орасида 3 та чангчи жойлашади, бири уруғчи ва иккитаси чангдон. Гуллаш пайтида чангдонлар шишади, гул қобиқлар ҳаракатланади ва чангчилар ташқарига чиқади. Гуллаш тугагандан сўнг чангдонлар тўкилиб кетади. Уруғчи тугунча ва иккита кураксимон тумшуқчадан иборат. Бошоқча қобиғи бошоқчадан пастроқ. Қил шакли, узунлиги ва қил тишчалари доимий белгиларга эга ва ундан буғдойни таснифлашда фойдаланилади [Димитров Д.Ф., 1988].

Дони. Донли экинларнинг меваси-дон ёки кариопсдир. Дони понасимон ёки чўзинчоқ. Дон юзаси силлиқ ёки бироз нотекис. Дон учида бир тўп тукчалар (коқилча) мавжуд, қорин тарафи ботиқ. Дон ранги қизғиш, (қизғиш - қўнғир) ёки оқиши тусда бўлади. У асосан ўзаро ўсган мева ва уруғ қобиғи, кучли ривожланган унсимон тана (эндосперм) ва муртакдан иборат бўлади. Муртак меванинг умумий вазнига нисбатан 2-5% ни, эндосперм улуши эса буғдойда 80-84 Муртакда янги ўсимлик пояси ва илдизининг бошланғич куртаклари бўлади. Муртак эндоспермга нисбатан жадалроқ ривожланади. Муртак заарланиш ва ноқулай шароитларга жуда сезгиридир. Муртак эндоспермга қалқонча орқали боғланади, бу эса янги ўсимликни то ўз илдизлари шакллангунча озиқа моддалар билан таъминланишига имкон беради. Фалладошларнинг дони асосан крахмал, оқсил, бироз мойдан иборат. Доннинг кимёвий таркиби қўпинча ўсимликни етиштириш шароитига боғлиқ бўлади.

1.3. «Оқ олтин дон маҳсулотлари» АЖда дон уюмларини сақлаш тартиби ва усуллари

Республикамиз аҳолисининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талаблари каттадир. Аҳолининг сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлашда энг аввало унинг яхши сақланишига катта аҳамият қаратиш лозим. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан донни сақлашнинг назарий ва амалий асослари йил сайин

ўрганиб борилмоқда. Озиқ–овқат саноати ва аҳолини ун маҳсулотлари билан тинимсиз таъминлаш учун доннинг етарли жамғармаси бўлиши керак. Шунингдек, унинг чорвачилик учун кўп миқдорда сарф этилади. Қолаверса, ҳосилнинг катта қисми уруғлик фонди сифатида сақланади. Бундан ташқари, ҳосил бўлмаган йиллар учун захира бўлиши лозим. Ишлаб чиқарувчидан ун маҳсулотларининг оз қисми шахсий истеъмолчи яъни аҳолига етиб боради. Унинг катта қисми сақланади ва керакли вактдагина қайта ишлашга юборилади. Буғдой ҳосилдорлигини кўтариш ва ялпи ҳосил миқдорини ошириш мумкин, лекин истеъмолчига маҳсулотни етказиб беришнинг турли босқичларида кўп миқдорда буғдойнинг исроф бўлишига йўл қўйилса ва сифати пасайтириб юборилса, унда натижалар самарасиз бўлади.

Сақлашни муваффақиятли ташкил этишда дон уюмининг ҳар бирини алоҳида хусусияти ва аҳамиятини тушиниш камлик қиласи. Улар орасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятларини фақат тўғри ишлата билиш ҳамда дон уюми билан унинг атроф муҳити ўртасидаги ўзаро ҳаракат кўпроқ технологик ва иқтисодий самараדורликни таъминлайди.

Дон уюмларини сақлашга таъсир этувчи омиллар қўйидагилар ҳисобланади:

- Дон уюмининг намлиги ва атроф муҳити.
- Дон уюми ва атроф – муҳитининг ҳарорати.
- Дон уюмига ҳавони етиб бориши (унинг аэрация даражаси).

Ушбу омиллар дон уюмларини сақлаш тартиби асосида қўйилган. Ҳозирги пайтда қўйидаги сақлаш тартиби қўлланилади:

- А) дон уюмини қуруқ ҳолда сақлаш;
- Б) дон уюмини совитилган ҳолда сақлаш;
- В) дон уюмини ҳавосиз жойда сақлаш;

Дон уюмларини сақлашда унинг барқарорлигини ошириш учун сақлаш тартибига зарурий равишда қўшимча ёрдамчи тадбирлар қўлланилади. Бундай тадбирларга дон уюмини омборларга жойлаштиришдан аввал бегона аралашмалардан тозалаш, фаол шамоллатиш кимёвий моддалар билан

консервалаш, дон зааркунандаларига қарши курашиш ҳамда комплекс оператив тадбирларга риоя қилиш ва бошқалар киради [Егоров Г.А., 1996].

Доннинг истеъмолга яроқли бўлган дон тайёрлашдаги ҳамма сифат кўрсаткичлари, унувчанлиги ва бошқа хусусиятларининг тўлиқ сақланиш даврига доннинг сақланиш муддати дейилади.

Донларда технологик сақлаш муддати ҳам хисобга олинади. Бу муддат дон уюмининг фойдаланиш соҳасига қараб давлат стандарти бўйича кондиция талабига тўлиқ жавоб берадиган муддатлардек. Махсулот миқдори жиҳатдан ҳамда сифати бузилмалиги учун унга таъсир этувчи омилларга боғлиқ:

- Ургуф: ботаник тури нави, репродукцияси;
- етиштириш шароити: тупроқ таркиби, ўғитлаш, иқлим, зааркунанда ҳашаротларнинг таъсир этиши;
- ҳосилни йиғиш шароити: усуллари ва муддати, йиғиш вақтидаги ҳаво шароити;
- ҳосилни ташиш, транспортлар турлари, ташиш масофаси, вақти;
- ишлов бериш даражаси: тури, усуллари;
- ҳосилни сақлаш усуллари, омбор турлари, сақлаш тартиби;
- қайта ишлаш босқичлари.

Донни **қуруқ ҳолатда сақлаш** режими дон массасидаги тирик организмлар, кана ва зааркунандалар, микроорганизмларнинг сувга бўлган эҳтиёжини камайтиришни кузда тутади. Дон таркибидаги эркин сув миқдори йўқотилганда тирик гурухларнинг эҳтиёжи кондирилмай, уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Шу сабабли донни қуруқ ҳолатда сақлашда намлик миқдори критик намлиқдан юқори бўлмаслиги керак. Критик намлик деб дон массасида микроорганизмлар, кана ва зааркунандалар хаёт фаолияти ҳамда донда кечадиган физиологик жараёнлар жадаллигини чегаралайдиган намлиқка айтилади. Бошоқли донлар учун критик намлик 12-14 % ни ташкил қиласи. Шу намлик дуккакли донларга ҳам тааллуклидир. Мойли донларда эса бу намлик ёғ миқдоридан боғлиқ. Ёғ миқдори 25-30 % ни ташкил қиласа, критик намлик 10-15 % бўлади. Агар ёғ миқдори 40-50 % ни ташкил қиласа, критик намлик 6-8 % ни

ташкыл қиласы. Тажрибалар шуны күрсатады, яхши тозаланған заарланмаган дон туркумларини элеваторларда қуруқ ҳолатда 2-3 йил, сақлаш омборларда эса 5 йилгача сақлаш мүмкін [Бўриев Х.Ч., Жураев Р.Ж., Алимов О., 1997].

Донни совитилган ҳолатда сақлашда дон уюмини термоанабиоз қонун қоидаларига асосланади, бу усулда дон уюми ҳаво ҳарорати пасайтирилган мұхитда сақланади. Ҳароратни пасайиши микрорганизмларга салбий таъсир күрсатыб, дон уюмидаги биокимёвий ва физиологик жараёнларнинг фаолиятини пасайтиради ёки тұхтатыб қўяди. Дон уюмини биринчи даражали совитилган ҳолатида ҳавонинг ҳарорати 10^0 С паст бўлиши керак. Иккинчи даражали совитилган ҳолатида эса 0^0 С паст бўлиши керак.

Агар дон уюми узоқ вақт сақлашга мўлжалланған бўлса ва дон таркибидаги намлик (12,0-12,5) базис кондициясидан паст бўлса $5-8^0$ С гача совитиш мүмкін. Дон уюмини совитиш икки усулда бўлади биринчиси фаол шамоллатиш усули, иккинчиси енгил шамоллатиш усули.

Донни ҳавосиз мұхитда сақлашда дон уюмини сақлаш анаксианабиоз қонун қоидаларига асосланған, унда дон оралиқларида кислороднинг йўқлиги сабабли, уюмнинг устки қисміда нафас олиш тезлиги сусаяди, оқибатда асосий ўсимлик дони ва бегона ўт уруглари анаэроб нафас олиш йўлига ўтиб аста секин нобуд бўлади. Микроорганизмларнинг хаёт фаолияти тұхтайди, кислородга мұхтожлик сезган кана ва ҳашоратларнинг ҳам ривожланиши учун шароит йўқолади. Натижада дон уюмининг камайиши кескин пасаяди. Кислородсиз мұхитда намлик пасаяди ва натижада дон уюмининг технологик сифатлари яхши сақланиб қолади. Дон уюмларини сақлашда кислородсиз мұхит яратишини қуйидаги усуллари бор. А) тирик организимларни нафас олиши оқибатида кислороднинг сарфланиши билан ўз ўзидан карбонат ангидрид газини табиий тўпланишини олиб келиши орқали. Б) дон уюмига карбонат ангидрид, азот ва айрим бошқа газларни киритиш орқали. В) донлар оралиқларидаги бўшлиқдан ҳавони сиқиб чиқариш орқали. Г) дон уюмидан вакуум барпо қилиш орқали амалга оширилади.

Дон массасини юқори намлиқда узоқ муддат сақлаш учун ҳаво таъсирини

йўқотиш керак бўлади. Бунинг учун донни герметик шароитда сақлашдан фойдаланилади. Донни сақлашда кислородсиз мухитни юзага келтириш учун 3 та йўл мавжуд.

1. CO₂ нинг микдорини кўпайтириш.
2. Вакуум ҳосил қилиш.
3. Дон массасидаги бўшлиқларни ҳар хил кимёвий газлар ёрдамида тўлдириш.

Дон массасини герметик шароитда сақлаш емга мўлжалланган донлар учун қўлланилади (нонбоп, уруғликка мўлжалланган уруғларни герметик усулда сақлаш тақиқланади).

- 1 - вертикал шамоллатиш қурилмалари;
- 2 - горизонтал шамоллатиш қурилмалари;
- 3 - радиал шамоллатиш қурилмалари;
- 4 - қатламли вертикал шамоллатиш қурилмалари;

Шамоллатиш қурилмалари қўзғалувчан ва қўзғалмас бўлади. Совук ҳаво ёрдамида шамоллатиб бир неча дақиқа мобайнида дон массасини консервалаш мумкин.

Хозирги кунда Республикамизда фаолият юритиб келаётган “Ўздонмаҳсулот” Давлат акционерлик компанияси таркибидағи корхоналарда жами 3 млн. тонна атрофидаги донни кафолатли сақлайдиган элеваторлар ва омборлар мавжуд. Шу билан биргаликда замонавий омборларда ҳам дон маҳсулотларини бир неча мавсум давомида зарар етказмасдан сақлаш имконияти яратилиб берилмоқда. Бу қилинаётган ишлардан асосий мақсад дон маҳсулотларини исрофсиз сақлашга эришиш ва маҳсулот камайишини мумкин қадар қисқаришини олдини олишдир. Шу чора-тадбирлар тўгри қўлланилса кўзланган мақсадларга эришилади. Уларда республикамиз аҳолисини нон ва ун маҳсулотларига бўлган талабини тўла қоплайдиган микдорда ғаллани сифатли сақлаб келинмоқда деб ёзади Г.А. Егоров [1985].



1.2-расм. Замонавий дон омборининг ички кўриниши

Яхши ташкил этилган кузатиш ва олинган маълумотларни тўғри таҳлил қилиш ўз вақтида салбий кўринишларни огоҳлантириш ва оз сарф ҳаражат билан уни заарсизлантиришни олдини олиш чоралари кўрилиши мумкин. Доннинг хар бир тўпламини оддий, аммо ишончли усувлар билан назорат қилиш мумкин.

Омборларда сақланаётган дон уюмларини ҳароратини ТМШ-11 ёрдамида ўлчаш мумкин. Бу қурилма узунлиги 16-32 метр, диаметри эса 20 миллиметрни ташкил этувчи қувурни намоён қиласи. Термошубнинг ичига оддий симобли термометр ёки спиртли термометр ўрнатилган бўлади. Бу қурилмани уюмнинг пастки қатламларигача тушириб аниқлаш мумкин. Элеваторларда эса доннинг ҳароратини ДК ТЭ-4, ДКТЭ-411,ДКТЭ-5 ўлчагичлари ёрдамида ўлчанади.

Дон уюмларини заарланишини назорат қилиш кана ва ҳашаротларни ривожланишини ўз вақтида чегарадан чиқармаслик ёки уларни йўқотиш имконини беради. Дон уюмларини заарланиши юқори, ўрта ва қуйи намуналар олиб алоҳида текширилади. Софлик белгилари доннинг ранги ва ҳидини ўзгариши ва омбор ҳавосига қараб ҳам аниқланади.

**Сақлашда дон ҳолатини намлиқ ва ҳарорат билан боғлиқ ҳолда назорат
қилиш.**

| Намлиқ бүйича ҳолат | Янги ҳосил дон қабул қилингандан сүнг 3 ой давомида | Турли ҳароратли донлар | | |
|------------------------|---|------------------------|---------------------|---------------------|
| | | t<0 | 0<1<0 | t>10 |
| Куруқ ва ўрта куруқ | 5 кунда 1 марта | 15 кунда 1 марта | 15 кунда 1 марта | 15 кунда 1 марта |
| Нам | Хар кун | 15 кунда | 5 кунда | 2 кунда |
| Хўл | Хар куни | 10 кунда | 5 кунда | Хар куни |

**1.4. «Оқ олтин дон маҳсулотлари» АЖда буғдой донини тозалаш ва
қайта ишлашда чиқадиган чиқитлар ва улардан фойдаланиш**

Донни қабул қилиш корхоналаридан тегирмонларга буғдой уюмларини юборишида доннинг сифати аниқланиб, миқдор сифат бүйича ҳисоблаш китобида аниқ қилиб ёзиб кўйилади. Агар корхонада қуритгич бўлса доннинг намлиги 15,5% дан ошмаслиги, қуритгич бўлмаган тақдирда 13,5% ортиқ бўлмаслиги, каналар билан заарланганлиги 2-даражадан ортиқ бўлмаслиги, ифлослиги 2,0 %, донли аралашмалар миқдори 5,0 дан ортиқ бўлмаслиги, навли ун клейковина миқдори 25 дан, оддий ун тортишда дон клейковина сифати 2 гр дан паст бўлмаслиги лозим [Г.А.Егоров 1984].

Дон тозалаш бўлимида деярли барча жараёнларда катта миқдорда чанг, чиқинди чиқади. Машиналарни жадаллаштириш ва чанглардан тозалаш учун аспирацион ускуналари фойдаланилади.

Сеператорларда (ажратгич) буғдой донини тозалаш ва ажратиш учун маҳкамланган ғалвирлар ўрнатилган. Қабул қилувчи ғалвир ўлчами $0,12 \times 0,16$ мм, сараловчи ғалвир 0,6-0,7 мм, эланма қолдиғи 1,7-2,0 мм лик ўлчамдан

иборат. Шунингдек буғдойни тозалашда узунлиги (триерларда), қобиқни тозалаш ва қўлланиш даражасини камайтириш (обоечная машина) ва ифлос аралашмаларни тозалаш тўлиқлиги бўйича ажратиш (тошажратгич машинаси), аэродинамик хоссалари бўйича (сеператорлар, пневмосепаратор, аспитор) ва юмшатиши (юмшатувчи машина) бўйича қаралади ва бу жараёнлар кетма-кетлик билан ўтказилади [Егоров Г.А., 1996].

Буғдойни тозалаш ва янчишга тайёрлаш кетма-кет ёки параллел равища доннинг шаффофлигига боғлиқ ҳолда олиб борилади. Буғдойни янчишга параллел тайёрлашда юқори ва қуий шаффофликка эга бўлган буғдой донлари алоҳида тозаланади. Бу оптимал режим доннинг технологик хоссаларига боғлиқ ҳолда олиб борилади, натижада тегирмон ишида янада юқори қўрсаткичларга эришилади.

Элеваторлардан юборилган дон шаффофлиги бўйича алоҳида бункерларга жойланади. Бункерлардан иккита паток (бўлма)ларда иссиқлик берувчиларга тушади. Сўнгра донлар массаси автоматик тарозидан ўтади. Тортилган дон ҳаволи сеператор А1-БВЗ-10 да, А1-ЗСШ-20 типли шкафли сеператорида, А1-БОК тошажратгич машинасида ва А1-БКР вибропневматик тошажратгич машинасидан ўтиб тозаланади.

Хар бир бўлма А1-ЗСШ-20 сеператорида 2 та фракцияга ажратилади: 75%ли йўғон, 25% ли майда донларга. Кейин фақат узун донларга ажратгич машинаси ЗТО-5 да тозаланади. Фақат қисқа донлар рандак ажратгич машинаси ЗТК-5 дан ўтади. Узун ва қисқа донлар тўплами эса овсюго ажратгич ва рандак ажратгич машиналаридан ўтказилади [Д.Ф.Димитров, 1988].

1-этапдан ажратилган донлар гидротермик қайта ишлов беришга юборилади. Бу ерда совуқ ёки тезликли кондиционерланади. Ж9-БМА ювиш машинасидан ўтган донлар уюми юмшатиши учун дозаторларга юборилади.

Донларнинг бирламчи ва иккиласи силқитилгандан сўнг юқори ва қуий шаффофликка эга бўлган донлар аралаштириб юборилади. Шундан сўнг цилиндрсимон машинада қайта ишлов берилди, пневмосепараторда, сеткали машинадан, ҳаволи сеператор А1-БВЗ-10 ва охирида А-ЗСШ дан ўтказилиб

якуний тозалаш бажарилади.

Доннинг фракцион тозалашнинг технологик схемаси треирлар ишини енгиллаштиради, улар сонини камайтиради, дон тозалашда ва йирик ва майда дон фракцияларига алохида гидротермик ишлов бериш усули унумдорликни оширади.

Дон тозалаш бўлимининг технологик самарадорлиги доимий назорат қилиб турилади. Дон тозалаш бўлимидан ўтган тоза донлар тегирмон бункерига тушади. Тушаётган дон сифати 1 сменада 2 марта аниқлаб турилади, стандартларда кўрсатилган тартибга мувофиқ ўтказилган таҳлил натижалари журналга ёзиб борилади. Шундан сўнг 1-ёрмалаш системасига тушаётган дон сифати 1 сменада 1 марта олинадиган таҳлил натижаларига асосан аниқланиб дон тозалаш бўлимининг иши тўғрисида хуносалар қилинади [Егоров Г.А., Мельников Е.М., Журавлев В.Ф., 1979].

Дон тозалаш бўлимида машиналарнинг ишини биринчидан унумдорлик, иккинчидан бажарилган амалларнинг технологик самарадорлиги ва учинчидан унумдорлик ҳамда самарадорлик мажмуаси бўлган иш стабиллигига боғлиқ ҳолда доимий техник ходимлар томонидан назорат қилиб турилади ҳамда баҳоланади.

Тегирмон ва ёрма заводларининг баъзи чиқиндилари (кепак, тегирмон чанги, озуқабоп ун) аввало озуқа мақсадида ишлатилади.

Буғдой ва жавдар кепаги улардан навли ва оддий ун тортиш натижасида ҳосил бўлган қўшимча маҳсулот сифатида олинади. Улар дон қобиқларининг майдаланган бўлакчалари ва куртак аралашмаларининг турли катталикларидан иборат.

Ун тортиш туридан ва навли уннинг чиқишидан боғлиқ ҳолда буғдойни кайта ишлашда кепакнинг миқдори 9,5 - 18,5%, жавдарни кайта ишлаганда эса 9,0% дан 18% гача етиши мумкин. Уннинг таркибида оз ёки кўп миқдорда эндосперма, ва бинобарин турли миқдорда клетчатка ҳамда кул бўлиши мумкин.

Тегирмон чанги буғдой ва жавдарни майдалашдан олинади. У мағизнинг

чангсимон қисмлари ва қобиқ аралашмасидан ташкил топган. Озиқа ем мақсадида оқ ва кул ранг тегирмон чанги ишлатилади.

Озиқа уни турли экин донларидан ёрма олишда ёки буғдой ва жавдардан бир навли ун тортишда ҳосил бўлади. Улар мағиз қисмчаларидан, мева ва уруғ қобиқларидан, қисман муртакдан, агар гул қобиқли донларга ишлов берганда - гул қобиқ бўлакчаларидан иборат бўлади.

Озиқа уни миқдори ишлаб чиқаришга тушадиган доннинг вазнига нисбатан олинадиган ёрма туридан ва навидан боғлиқ ҳолда 5-20% гача, буғдой ва жавдардан ун тортишда эса 6 - 15 % гача етиши мумкин.

Буғдой ва жавдар кепаги давлат стандарти талабларига жавоб бериши шарт (жадвал-1.3).

Донли чиқиндилар асосий озиқ-овқат экинлари дон қабул қилиш пунктларида, элеватор, тегирмон ва ёрма заводларида донли ва ифлослантирувчи аралашмалардан тозалашдан олинади. Омухта ем таркибига донли чиқиндилар билан фойдали донни 60% гача киритишга рухсат берилади. Донли чиқиндилар таркибидаги фойдали донлар деб асосий экин донлари ва донли аралашма таркибига киравчи донларга айтилади. Донли чиқиндиларнинг озуқавийлиги уларнинг таркибидан боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгарилиди.

Буғдой озуқа уни нормал ҳидли ва таъмли бўлиши, ранги эса кулранг - малла бўлиши керак, чайқаш усули бўйича кислотавийлиги 5 дан ошмаслиги, кулдорлиги 3,5 дан паст ва 4 % дан юқори бўлмаслиги, намлиги 15% дан ошмаслиги, қоракуя ва қоракасов миқдори алоҳида - алоҳида ёки биргаликда 0,05% дан кўп бўлмаслиги; горчак ва вязел хам худди шундай % 0,04 % дан ошмаслиги лозим ва шунинг билан биргаликда заараркунандалар билан заарарланганлик рухсат берилмайди.

Кепакнинг сифат қўрсаткичлари

| Қўрсаткичлар | Қўрсаткичлар тавсифи | |
|---|--|--|
| Ранги | Кулранг товланувчи қизғиш-сариқ ранг | Жигар ёки яшил товланувчи кулранг |
| Хиди | Димиқмаган моғорламаган ва бегона ҳидсиз | Димиқмаган моғорламаган ва бегона ҳидсиз |
| Мазаси | Аччиқ ва нордон таъмсиз | Аччиқ ва нордон таъмсиз |
| Намлик, % кўп эмас | 15 | 15 |
| Захарли аралашмалар, % кўп эмас | 0,05 | 0,05 |
| Шунингдек | | |
| Горчак ва вязель (алоҳида ёки бирга), % кўп эмас | 0,04 | 0,04 |
| Кукол, % кўп эмас | 0,10 | 0,10 |
| Гелиотроп ва кампирчопон уруглари аралашмаси | Рухсат берилмайди | Рухсат берилмайди |
| Металл аралашмалар: | | |
| Ўткир қиррали ва учли металл аралашмалар | Рухсат берилмайди | Рухсат берилмайди |
| Размери 2 мм гача бўлган металл бўлакчалар, 1 кг да мг | 5 | 5 |
| Шунингдек размерлари 2 мм дан 0,5 мм гача бўлган бўлакчалар, кўп эмас | 1,5 | 1,5 |
| Омбор зааркунандалари билин заарланганлик | Рухсат берилмайди | Рухсат берилмайди |


2-боб. ДОННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

2.1. Доннининг тузилиши ва кимёвий таркиби

Дон – дон ўсимликлар меваси ва уруғи ҳисобланади. У бир уруғли қурук мева. Доннинг асосида қия бўлиб муртак жойлашади ва муртак жойлашган қисми асоси (туби) деб аталади. Доннинг асосидан учигача бўлган оралиқунинг узунлиги ҳисобланади. Доннинг қорин томонини пастга қаратиб қўйиладиган бўлса, горизонтал диаметри унинг энини, вертикал диаметри эса йўғонлигини билдиради. Доннинг эни одатда йўғонлигидан каттароқ бўлади.

Дон тузилишига кўра учта асосий қисмдан: пўст, эндосперм ва муртакдан иборат. Доннинг пўсти юпқа бўлиб, тўртта қатламдан икки қатlam мева қобигидан ва икки қатlam уруғ қобигидан иборат.

Доннинг асосий қисми эндоспермдан иборат. Эндосперм хужайраларининг кўп қисми крахмал ва оқсил моддалар билан тўлган. Эндоспермнинг четидаги қавати алайрон қават деб юритилади. Муртак доннинг асосида жойлашган бўлиб, бўлажак ўсимлик куртакларидан иборат. Буғдой дони вазнининг 81-84,2% ендосперм, 6,8-8,6% алайрон қават, 1,4-3,2% муртак ва 3,1-5,6% пўстдан иборат бўлади.(2.1-расм)



2.1-расм. Буғдойнинг тузилиши

Доннинг ички тузилиши ундаги крахмал доначаларининг йириклиги,

жойлашиши ҳамда оқсилларнинг хоссалари ва тақсимланишига қараб шишасимон, ярим шишасимон ва унсимон бўлади.

Донлар хилма-хил рангда бўлади. Уларнинг ранги мева, уруғ пўсти, алайрон қатлами ёки эндосперм бошқа қисмларининг тусига боғлиқ бўлади. Турли донларнинг қайси мақсадларга қараб ишлатилиши ҳамда фойдали эканлигини аниқ белгилаш учун албатта уларнинг кимёвий таркибини, анатомик тузилишини билиш талаб этилади. Дон таркибида турига, хилига, пишиш даражасига ва бошқа кўрсаткичларига қараб ҳар хил ва турли миқдорда органик бирикмалар (оқсил, углевод, липид, пигмент, витамин, фермент), минерал моддалар ва сув бўлади. Бу моддаларнинг миқдори дон таркибида (ҳатто бир навда) ўсиш шароитига қараб (тупроқ, иқлим, агротехника ва б.) бир мунча ўзгариши мумкин. Лекин таркибидаги кимёвий моддалар миқдори ўзгаргани билан ҳар қайси турга кирадиган донлар ўзларига хос бўлган кўрсаткичларни сақлаб қолади.

Донлар кимёвий таркибига қараб уч гурухга бўлинади:

1. Крахмалга бой.
2. Оқсилга бой.
3. Мойга бой.

Биринчи гурухга бошоқли дон екинлари ҳамда гречиха дони киради. Уларда ўрта ҳисобда 70-80% углевод (асосий қисмини крахмал ташкил этади), 10-16% оқсил ҳамда 2-5% мой бўлади.

Иккинчи гурухга дуккакли дон экинлари киради. Бу екинлар донларининг таркибида ўртacha 25-30% оқсил, 60-65 углевод, 2-4% мой бўлади.

Учинчи гурухга асосан дон таркибида мой кўп бўлган экинлар киради. Бу гурухга кирадиган донлар таркибида ўртacha 25-50% мой ҳамда 20-40% оқсил сақлайди [11,13].

Халқ хўжалигига донлар турли хил мақсадларда, яъни ун, ёрма, ем тайёрлаш ҳамда техник мақсадларда фойдаланилади. Нон тайёрланадиган унларнинг асосий қисми буғдой ҳамда жавдар донларидан, макарон маҳсулотлари учун ун қаттиқ буғдойдан тайёрланади. Дон маҳсулотларини қайта ишлашни такомиллаштириш ҳамда шу жараёнда нобудгарчиликларни камайтириш йўлларини изланмоқда.

Юқорида келтирилган адабиётлардан хуроса қилиш мумкинки, мамлакатимизнинг табиий-иклим шароити баҳорги буғдой экишга мослашган бўлиб, унинг ҳосил унсурларига ўсимлик ўстирилаётган ҳудуднинг рельефи таъсири этишини, екилаётган буғдой навлари занг касалликлари билан заарланишини инобатга олиб, эрта пишар, касалликларга ва ташқи муҳитнинг нокулай шароитларига чидамли бўлган баҳорги юмшоқ буғдой навларини яратиш ва жорий этиш ижобий самара беришини таъминлади.

Буғдойнинг ички тузилиши ундаги крахмал доначаларининг йириклиги, жойлашиши ҳамда оқсилларнинг хоссалари ва тақсимланишига қараб шишасимон, ярим шишасимон ва унсимон бўлади.

Сув. Буғдойнинг кимёвий таркибида ҳамма вакт белгиланган миқдорда сув бўлиб, бу сув миқдори доннинг турига, пишиш даражасига, анатомик тузилишига, гидрофил коллоидларнинг жойланиши, йигиштириб олиш шароити, транспортировка қилиш, сақлаш усулларига ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ. Буғдой таркибидаги сувнинг анатомик тузилиши ҳамда буғдой таркибидаги моддалар билан боғлиқлиги турличадир.

Буғдой таркибидаги сув миқдорининг буғдой таркибидаги моддалар билан боғлиқлиги П.А.Ребиндер классификацияси бўйича қуйидаги турларга бўлинади [11,14].

1. *Кимёвий бириккан сув* – бу асосан буғдой таркибидаги моддалар молекуласида аниқ белгиланган миқдорда бўлади. Буғдой таркибидан бу сувни фақат кимёвий таъсир этиш йўли билан ажратиб олиш мумкин. Бу ҳолда буғдой таркибидаги моддалар тузилиши бузилади. Физик-кимёвий бириккан сувларга esa асосан адсорбцион бириккан, осмотик сингдирилган сувлар киради. Буғдой таркибидаги бу сув миқдори дон маҳсулотларининг турига, ҳолатига қараб ўзгарувчан бўлади.

2. *Механик бириккан сувлар* эса буғдой таркибидаги микро ва макро капиллярларда жойлашган бўлиб, ташқи муҳит шароитига қараб кўпайиши ҳамда камайиши мумкин. Шунинг учун ҳам дон таркибидаги бу сувни (намликни) эркин сув деб аталади. Чунки дон қуритилганда намлик шу

ҳисобдан камайса, ҳаво намлиги ошган тақдирда шу намлик ҳисобидан дон намлиги ҳам ошиши мумкин.

3. *Азотли моддалар.* Буғдой таркибидаги азотли моддаларнинг асосий қисмини оқсиллар ташкил этиб, оқсилсиз азотли моддалар миқдори түлиқ пишиб этилган, қизимаган, кўкармаган, яъни стандарт талабига жавоб берадиган донларда 2-3% дан ошиқ бўлмаслиги лозим. Оқсилсиз азотли моддалар миқдори түлиқ пишмаган донлар таркибида кўп бўлиб, сақлаш даврида дон массаси қизиган тақдирда ҳамда микроорганизмларнинг ривожланиши натижасида бундай моддалар миқдори кескин қўпаяди, бу эса дондан ун ҳамда нон тайёрлашдаги сифат кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлади. Оқсилсиз азотли моддалар асосан аминокислоталардан ҳамда амидлардан ташкил топгандир.

Буғдой таркибидаги оқсилли моддалар оддий оқсил-протеинлардан ҳамда мураккаб оқсил-протеидлардан ташкил топган. Мураккаб оқсиллар донтаркибида кам миқдорда бўлиб, булар асосан липопротеид ҳамда нуклепротеидлардан ташкил топгандир. Оқсилнинг фақатгина миқдори эмас, балки биологик аҳамияти ҳам дон таркибидаги аминокислоталарнинг турлича бўлганлигига қараб ўзгарувчан бўлади.

Оқсиллар эриш хусусиятига кўра сувда ерийдиган (албумин), тузлар еритмасида эрийдиган (глобулин), ишқорда ерийдиган (глютеин) ва спиртда ерийдиган (глиадин) тоифаларга бўлинади.

Сувда еримайдиган оқсилларга (глюмин, глютеин, глиадин) клейковина дейилади. Клейковина хамирдаги крахмални сув билан ювилгандан сўнг қоладиган чўзилувчан ва эгилувчи модда. У нон пиширишда катта аҳамиятга эга. Ноннинг ҳажми ва ғоваклиги клейковина миқдорига боғлиқ бўлиб, у хамир ичидаги газни ушлаб туради, натижада у яхши кўпчийди, ноннинг ғоваклиги ошади.

Аминокислота таркибига қараб дуккакли дон экинларининг таркибидаги оқсиллар юқори баҳоланади. Биологик кўрсаткичларига кўра шоли, жавдар, сули, буғдой, арпа таркибидаги оқсиллар маккажўхори ҳамда тарик

таркибидаги оқсилларга нисбатан устунлик қиласы. Масалан, бұғдой таркибидаги оқсиллар хамир тайёрланганда яхши чүзилувчан бўлиб, тайёрланган маҳсулот сифатига ижобий таъсир этади.

Углеводлар. Бұғдой донларининг таркибидаги углеводларнинг асосий қисмини полисахаридлар, булардан кўп қисмини крахмал ташкил этади.

Тўлиқ пишиб етилган ҳамда яхши сақланган бұғдой таркибида барча шакарлар (моно ва дисахаридлар) миқдори 2-7% атрофида бўлиши лозим. Пишмаган бұғдой таркибида ёки сақлаш даврида қизиган ҳамда кўкарган донларда шакар миқдори ошади. Бу эса бұғдойнинг ун ҳамда нон тайёрлашдаги сифат кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади.

Бұғдой таркибидаги клетчатка ҳамда гемицеллюлоза миқдори доннинг анатомик тузилишига ҳамда пишиш даражасига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Бұғдой таркибидаги углевод миқдори ва турлари фақатгина доннинг сифат кўрсаткичларини, яъни қандай мақсадларда фойдаланиш самарали эканлигини билдирибина қолмасдан балки уни қайта ишлиш жараёнида ҳам муҳим ахамиятга эгадир.

Липидлар. Бұғдой таркибидаги юқори энергияли жамғарма моддалар - липидлар (асосий қисмини ёглар ташкил этади) дон массасини сақлаш даврида нафас олиш жараёнини ўташида сарфланади.

Минерал моддалар. Бұғдой таркибидаги минерал ёки кул моддалар миқдорининг ўзаро нисбатини донни $600\text{-}900^{\circ}$ ҳароратгача куйдириб майдалаб аниқлаш мумкин. Бұғдой таркибида фосфор, калий, магний, калсий, натрий, темир, хлор ва бошқа моддалар бўлади. Жуда кам миқдорда марганец, никел, кобалт ва бошқа моддалар учрайди. Бу элементлар турли органик бирикмалар таркибиға киради.

Бұғдой таркибида турли миқдорда пигментлар, витаминалар ҳамда ферментлар бўлиб, улар донни сақлаш ҳамда қайта ишлиш жараёнида сифат ҳамда миқдор жиҳатидан ҳам ўзгариб туради. Масалан, буғдой массаси сақлаш даврида ўз-ўзидан қизий бошласа, дон таркибидаги оқсил ҳамда крахмаллар парчаланиши натижасида қўнғир рангга киради. Бу эса маҳсулот сифатининг

нафақат пасайишига, балки түлиқ яроқсиз ҳолга келишига таъсир этади.

2.2. Дон сифатини таҳлил етиш учун нусха ва намуналар олиш усуллари

Дон тўплами сифатини аниқлаш учун 2 кг атрофида намуна ажратилади. Намликни аниқлаш учун 5 гр намуна, аралашмалар таркиби учун эса 200 гр намуна етарли ҳисобланади. Ушбу намуналар таҳлилида дон тўпламига баҳо бериш мумкин. Натижаларнинг тўғрилиги бошланғич нусхаларни тўғри тўплашга, дастлабки, ўртacha намуналарни олиш жойи, миқдори ва ишни бажариш сифатига боғлик.


Ушбу масалани маҳсус ўрганиш ва дон тўпламлари сифатини умумий баҳолашда турли қисмлардан ўртacha нусхалар тузиш, шунингдек, тушунчалардан (терминлар) фойдаланишда стандартлаш заруриятини туғдиради. Ўртacha таҳлилдан ўтишдан аввал, озиқ-овқат, фураж ва техник мақсадида намуналарни танлаш усулларига тўғри келадиган ва амалдаги давлат стандартлари билан синчиклаб танишиб чиқиш зарур. Унда асосий тушунчалар аниқлиги (тўплам, маълумот олинган қисм, бошланғич намуна, ўртacha намуна) ва амалда ишни бажаришда зарур бўлган, риоя қилинадиган ҳамда намуналар тузишнинг аниқ қоидалари берилган.

Озиқ-овқат, фураж, техникдон тўплами деб, бир вақтда қабул қилишга, топширишга ёки туширишга, ёки бўлма са бир элеватор хирмонда, омборда сақлашга мўлжалланган, бир хил сифатли (органолептик баҳолаш бўйича) намунага айтилади.

Дон тўплами сифати ушбу тўпламдан олинган ўртacha намунани лаборатория таҳлилида тўпланган маълумотлар асосида белгиланади.

Таҳлил учун намуналар танлаш ва материал тайёрлаш. Намуна дастлабки тўпламдан бир йўла олинган оз миқдордаги донга айтилади. Даставвал дон тўпламини синчковлик билан кўздан кечирилади ва унинг бир турлиги аниқланади, чунки намунага олинадиган нусха миқдори унинг бир турлиги ва ҳажм даражасига боғлиқдир.

Намуна материали олиш учун турли системадаги (конус, силиндр ва қопли) шуплар ва маҳсус намуна олгичлар қўлланилади (2.2-расм). Конусли вагон шупи 1-расм шупларнинг асосий тури ҳисобланиб, идишга жойланмаган тўпламлардан намуна материали олишда фойдаланилади. Ушбу шуп конус шаклидаги стакандан, қопқоқ ва штангадан ташкил топган. Стакан ҳажми 150-180 мл. Штанганинг қўйи тарафи қопқоқка маҳкамланган, юқори тарафи винтли резбага эга бўлиб, унга тирсак ёки қўшимча штанга буралган бўлади. Намуна материали олиш учун конусли шупни ёпиқ ҳолатда дон уюмiga тушурилади. Штангани кўтаришда шуп қопқоги очилади ва стакан донга тўлдирилади. Сўнгра шуп олинади ва стакандаги дон брезент ёки қоп матосига тўкилади.



2.2-расм. Дон шуплари ва чўмич:
1-Вагон конус шуплари; 2-Қоп шупи;
3-цилиндр шуп; 4-чўмич.

Қоп шупи қопларга жойланган донлардан намуна қисми олишда фойдаланилади (2.2-расм). Шупни ички қисмининг узунлиги 20-30 см, тутқичи 10 см атрофиди. Дон чиқиш дарчаси диаметри 1-2 см. Шуп ёғоч филофда сақланади.


Цилиндрли шупда 2 латун қувурчалар бир-бирига ўрнатилган. Ички қувурча камераларга бўлинган. Ички, шунингдек ташқи қувурчалар ички қувурчадаги камера миқдорига тўғри келадиган бир тарафлама дарчалардан иборат. Ички қувурча ёғоч тирсак билан тугайди. Унинг ёрдамида қувурча айлантириб турилади. Намуна материали олишда шуп ёпиқ ҳолатида дон хирмонига туширилади. Сўнгра тирсак ёрдамида ички қувурчанинг тешиклари ташқи қувурча дарчалари билан тўғри келгунича айлантирилади. Шуп дон билан тўлганидан сўнг тирсак қарши томонга бурилади ва дарчалар беркилади. Кейин шуп олинади ва ундаги дон олдиндан тайёрлаб қўйилган қоп матоси ёки брезентга тўкилади. Цилиндр шупининг қулайлиги шундаки, уни қўллаш пайтида бир вақтнинг ўзида хирмоннинг бир неча қатламида намуна қисмларини олиш мумкин, аммо бу камераларни беркитишда донларни

кесилиш ҳоллари юз беради, бу эса ўз йўлида намунада уринган донлар фоизнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Конус шуплари ёрдамида намуна қисми олишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур: намуна қисми аввал юқори қатламдан, сўнг ўртаги ва энг кейинги навбатда қуйидаги қатламдан олинади.

Автомшинадан доннинг намуна қисми кузовнинг тўрт нуқтасидан олинади, бунинг устига олиниш нуқталари кузов чеккасидан 0,5 метр узоқликда бўлиши шарт. Намуна қисмларини ёхуд юқори қатлам ва кузов сатҳига яқин ердан, ёхуд хирмоннинг бутун чуқурлигидан (шуннинг тузилишига қараб) олинади. Намуна қисмларининг умумий оғирлиги 1 кгдан кам бўлмаслиги керак.

Намуна қисмларини эркин олиш имконини берадиган вагонларда дон ортилади, икки ўқли вагонлардан уларни шуп билан 5 нуқтасидан: 4 бурчагидан (50-75 см масофада) ва вагоннинг ўртасидан (А чизма) олинади. Хар бир нуқтада қисмлари хирмоннинг уч қатламида: юқори қатламида 10 смгача чуқурлиқда, ўртаги қатламда хирмоннинг тахминан ярмига якин чуқурлиқда ва вагон сатҳидан олинади. Тўрт ўқли вагонларда намуна қисмлари дон хирмони устидан 11 нуқтада, яъни вагоннинг ён деворларидан (4 нуқтадан) ва 3 нуқтада вагон ўртасидан, шунингдек, уч қатламда олинади (2.3расм.)



A чизма

Б чизма

2.3-расм. Автомашинадардан намуна олиши

Намуна қисмлари вагонни бўшатища ҳам худди ортишдаги каби усулларда олинади. Ориш ёкиб ўшатища намуна қисмларининг умумий оғирлиги 2 ўқли вагонларда 2 кг, 4 ўқли вагонларда эса 4,5 кг атрофида бўлиши шарт.

Омбор ёки хирмонлардан донни вагонларга ортишда намуна қисмлари тушаётган оқим аралашмасидан, уни механик намуна олгич ёки маҳсус чўмич билан кесиб ўртасидан олинади (2.4-расмга қаралсин). Бир текис оралиғида шундай хисобда белгиланадики, бир тонна аралашаётган дондан олинадиган

намуна қисми 0,1 кгдан оз бўлмаслиги керак.

Омборларда 1,5 метр баландликда сақланадиган хирмонларда намуна қисмлари вагон шупи билан: катта баландликда эса буралиб, штангали конус шупи ёрдамида олинади. Ушбу нукталардан намуна қисмлари юқоридан, яъни хирмон сатҳидан 10-15 см чуқурликда, ўртаги ва қуйида эса ер сатҳига якин жойдан олинади. Ҳар бир сексиядан олинадиган намунада қисмларнинг умумий оғирлиги 2 кг атрофида бўлиши керак.


Идишга жойланган дон тўпламларидан намуна қисмлари оғзи сўқилган қоплардан конус шупи билан қопнинг юқори, ўртаги ва пастки еридан олинади. Оғзи тикилган қоплардан намуна қисмлари қоп шупи билан бир бурчагидан олинади. Намуна қисмларининг олинадиган миқдори (қоплар) дон тўпламигининг ҳажмига боғлиқдир. Агар унда 10 қоп бўлса ҳар икки қопнинг биридан, 10 дан 100 қопгача - 5 қопдан +5% тўпламдаги қоп миқдоридан 10 қоп +5% намуна олинади.

Дастлабки намуна тайёрлаш. Олинган намуна қисмлари брезент ёки қоп матосига кўздан кечириш ва бир-бирига таққослаш учун жойланади. Агар барча намуна қисмларидаги донларни органолептик кўрсаткичлари бир турли бўлса, уларни тоза ва зааркунандалар билан заарланмаган идишларга тўкилади. Дон тўпламларидан олинадиган барча намуна қисмларининг йифиндиси дастлабки намунани ташкил этади. Дастлабки намунали идишга ёрлик қўйилиб, унда экин турининг номи, нави, авлоди, ҳосил йили, донга эга ташкилотнинг номи, вагон, автомашина ёки омборнинг рақами; тўпламнинг килограммдаги оғирлиги; намуна олган кишининг имзоси ёзилади. Намуна қисмларидан тузилган дастлабки намуна оғирлиги йирик дон тўпламларидан кўп олинган бўлса, керагидан ортиқчалик қилиши мумкин, ундан ташқари, унинг алоҳида қисмлари турли хил бўлиши мумкин. Шу сабабларга қараб дастлабки намунадан ўртача намуна ажратилади.

Ўртача намуна ажратиш. Ўртача деб, дон сифатини аниқлаш учун ажратилган дастлабки нусханинг бир қисмига айтилади. Агар дастлабки намуна 2 кг оғирликда бўлса, ушбу намуна бир вақтнинг ўзида ўртача намуна

ҳисобланади. Агар дастлабки намунанинг оғирлиги 2 кгдан ошса, унда ўртача намуна ажратилади.

Ўртача намуна ажратишни бўлиш аппаратлари ёрдамида ёки қўлда амалга оширилади. Аралаштириш жараёни қуйидаги тарзда ўтказилади: юпқа ёғоч тахтачани ўнг ва чап қўлда ушлаб, улар билан донни икки қарама-қарши томонга енгил кўтарилиди ва квадрат ўртасига тўкиб кейин аралаштирилади. Ушбу ишни бир неча маротаба амалга оширилади, натижада цилиндр шаклидаги уюмча пайдо бўлади. Сўнг донни юпқа ёғоч тахтачалар билан уюмчани икки томондан эгаллаб, бир вақтнинг ўзида улар ўртага тўпланади. Шунда биринчи уюмчага нисбатан перпендикуляр жойлашган иккинчи уюмча юзага келади (2.4-расм, ўнгда). Бунда аралаштириш 3 маротаба ўтказилади.




2.4-расм. Намуналарни Қўлда аралаштиришда юзага келтирилган дон Қатламчаси

Аралаштирилгандан кейин дастлабки намуна иккинчи марта квадрат шаклида (майда уруғлик экинлари учун 1,5 см ва йирик уруғликлар учун 5 смдан ортиқ бўлмаган қалинликда) тақсимланади ва юпқа тахтача ёки чизғич билан диагонал бўйича 4 та учбурчакка бўлинади (2.5-расм). Сўнгра икки қарама-қарши учбурчаклардаги донлар йиғиширилади, қолган икки учбурчакдаги донлар эса бир-бирига аралаштирилади ва юқорида қайд этилганидек, ўша усулда аралаштирилади ва яна 4 та учбурчакка бўлинади. Икки қарама-қарши учбурчаклардаги дон йиғишириб олинади, қолганлари яна аралаштирилади. Бу иш икки учбурчакдаги доно ғирлиги тахминан 2 кгга етгунча давом этади. Шунда ўртача намуна юзага келади.

Дон сифатини аниқлаш икки гурухга: органолептик ва лаборатория усулларига бўлинади.

Органолептик усулларга сезги органлари ёрдамида дон сифатларини баҳолаш киради. Бу усулда бошқа усулларда аниқлаб бўлмайдиган (масалан, доннинг рангти, ҳиди, таъми) кўрсаткичлари аниқланади.



2.5-расм. Диагонал бўлиш усулида намуна ажратиш

2.3. Дон сифати ва софлик кўрсаткичларини аниқлаш усуллари

Лаборатория усулларига асбоблар ёрдамида дон сифатларини аниқлаш киради. Бундай сифат кўрсаткичлари (намлик, ифлосланиш, донни омбор зааркунандалари томонидан заарланиши, нам клейковинанинг сифати ва миқдори) сон кўринишида ифодаланади.

Софлик кўрсаткичларини аниқлаш. Доннинг ранг, ҳид ва таъми унинг софлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар шундай ўзгариши мумкинки, уларнинг фақат бирининг камчилигига қараб, камчилик категорияси ўтказилиши мумкин ва донни қабул манзили томонидан қайтарилиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг керакли миқдоридан чекланиш, доннинг ўсимлиқда шаклланиши ва ривожланиш жараёнида, шунингдек, ҳосилни йиғишида, донни товар ҳолатга келтиришда, ташиш ва сақлашда салбий таъсирларни кечирганлигидан далолат беради.

Ранг, ҳид ва таъмини аниқлаш учун намуналар танлаш ва намуналар ажратиш ДАСТга асосан амалга оширилади.

Ранг. Барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари донларининг сифатини

баҳолашда ранг асосий ва мажбурий кўрсаткич ҳисобланади. Ранггиға қараб дон тўпламининг тури, нави ва бир хиллиги аниқланади. Ҳар қандай ўсимликнинг нормал дони ўзига хос рангга, баъзида эса ялтироқликка эга бўлади. Ранг доннинг нафакат табиий хусусиятларини, балки унинг соғлигини ҳамда унинг маълум даражада технологик хусусиятлари ва озиқ-овқат афзалликларини таърифлайди. Шунинг учун ранг бошқа белгилар қатори донни товар туркумлари асосига киради.

Дон ранггини ўзгариши (қорайиши, қорадоғлар, кулранг ёки яшил рангларнинг акс этиши ва бошқалар). Кўп ҳолларда микроорганизм фаолияти натижасида, ҳашаротлар томонидан шикастланиши (бурга-тошбақача), донга ишлов беришдаги усулларни (куритиш тартибига риоя қиласлик) нотўғри қўллашда рўй беради. Ранг доннинг етилиши даврида ва йиғиширишда нокулай об-ҳаво натижасида ўзгариши эҳтимоли бор. Масалан, совуқ урган дон оқиш ранг акс этган ва тўр юзага, исси курган дон ялтироқлигини йўқотган ҳамда буришган юзага эга бўлади. Рангги кескин ўзгарган дон (чириган, мөгорлаган, кўмир ҳолига айланган) одатда бегона ёки аралашмали дон фракцияларига мансубдир.

Дон ранггини мувофиқ стандарт ёки намуна турларига солиштириш йўли билан аниқланади. Ранг ва унинг акс этишини кўпчилик ўсимликлар учун қора ойна, қофоз ёки қора матода ёйилган кундузги ёруғликда аниқлангани маъқул.

Хид. Янги дон ўзига хос хидга эга бўлади. Бегона ҳид дон сифатининг ёмонлашганидан далолат беради. Дондаги бегона ҳидлар икки сабабга кўра юзага келиши мумкин: атроф-муҳитдан турли моддаларни – буғ ва газларни ютиши (сорбция) натижасида; ёки органик бирикмаларнинг, шунингдек дон уюмидаги бошқа компонентларнинг (бегона ўт уруглари, органик аралашма, омбор зааркунандаларининг жасадлари ва бошқалар) парчаланиши натижасида рўй бериши мумкин. Шунга асосланиб ҳамма ҳидларни икки гурухга бўлиш мумкин: сорбция ва бузилиш ҳидлари.

Дон сақлаш амалиётида кўпинча унинг сорбция хусусиятларига боғлиқ бўлган қуйидаги ҳидлар кўпроқ учрайди.

Шувох ва саримсоқ ҳидлари ҳосилни йиғиш пайтида донни ифлослайдиган шувох ёки ёввойи саримсоқнинг эфир мойларини дон томонидан ютилиши натижасида юзага келади. Шувох ҳидли дон, шунингдек, аччиқ шувох ва сиверс шохи таркибида глюкозид абстин тўпланиши ҳисобига аччиқ бўлиши мумкин. Бундай дон аччиқ-шувох деб аталади. Дондаги аччиқликни фақат иссиқ сув ёрдамида йўқотиш мумкин.

Тутун ҳиди донни дон қуригичларида нотўғри қуритишда ёқилғи маҳсулотларини етарлича ёнмаслиги натижасида дон томонидан ютилиб юзага келади.

Кучли ёки хўл қора куя тукчалари билан юқори даражада ифлосланган дон ёки унда қора куя қопчалари мавжуд бўлса, дон қора куя ҳидига эга бўлади. Бундай дон ўзига хос тузланган селёдка ҳидига эга бўлиб (қора куя тукчалари таркибида триметиламин бўлиши сабабли) уларни фақат донларни қуритиш ва ювишда тўлиқ йўқотиш мумкин.

Нефт маҳсулотлари ҳиди (керосин, бензин) донларга ифлос вагон, автомашина кузовлари ва бошқаларда ташиш ва сақлаш даврида ўтади.

Омборларда сичқон ва каламушлар бўлса, улар ўз ахлатлари билан ифлослантириши натижасида сичқон ҳиди пайдо бўлади.

Дон қабул қилувчи манзилгохларда доннинг баъзи сорбсия ҳидлари билан ҳам, агар уларни қайта ишлашда енгил йўқотиш имкони бўлса ва доннинг қайта ишланган маҳсулотларига (ун, ёрма, нон) ўтмаса, олишга рухсат этилади.

Энг кўп тарқалган бузилиш ҳидларига қуйидагилар киради.

Омбор ҳиди донни узоқ вақт кам шамоллатиб сақлаш ва доннинг оралиқ маҳсулотларининг анаэроб нафас олишида сорбсияла-ниш оқибатида пайдо бўлади. Шамоллатишдан кейин бу ҳид енгил йўқолади, аммо доннинг озиқовқат сифатига таъсир этади.

Қўланса ва моғорли қўланса ҳидлар нам доннинг таркибида микроорганизмлар (моғор замбурууглари) нинг ривожланиши учун қулай бўлган шароитда, яъни ҳароратда пайдо бўлади. Донларни дон тозалагич машиналари орқали ўтказишида бу ҳидлар анча камаяди. Аммо бутунлай йўқолмайди.

Қўланса ва мөгорли қўланса ҳидлар кучли сақланади ва у қайта ишланадиган маҳсулотларга ўтади.

Дон ҳидини кучайтириш учун стаканга солинади, иссиқ сув қуйилади (ҳарорат 60-70 °C) ва шиша билан устидан беркитилади. Сувни 2-3 дақиқадан кейин тўкилади ва иситилган дон ҳидлаб кўрилади.

Худди шу мақсад учун донни 2-3 дақиқа давомида буғда иситиш мумкин. Дон темир тўрда қайнаб турган сув устида қиздирилади, шундан сўнг тоза қофоз сув устига сочилади ва хиди аниқланади. Донни қиздириш ва ундаги намликнинг буғланиши ҳидли моддаларни адсорбсияланишига сабаб бўлади.

Таъм. Соғлом дон ушбу экинга монанд ўзига хос таъмга эга бўлиб, кўпинча чучук ёки бироз ширин бўлади.

Дон таъмининг ўзгариши кўпинча унинг уюмига тўпгул (саватчалар) ёки аччиқ ва Сиверс (аччиқ шувоҳ таъми) ўсимликларининг қисми тушиши, доннинг униши (ширин таъм) ва микроорганизмлар ривожланиши билан (ёқимсиз чириган таъм, нордон ва бошқалар) боғлангандир.

Таъм тоза майдаланган донда аниқланади. Бунинг учун ўртacha намунадан тахминан 100 гр дон ажратилади, у бегона аралашмалардан тозаланади ва лаборатория тегирмонида янчилади ва 2 гр чайналади. Ҳар бир аниқлашда нол дин ва кейин оғиз яхшилаб чайилади. Дон таъмини аниқлаш бошқа органолептик кўрсаткичлар бўйича доннинг софлик даражасини аниқ белгилаш имкони бўлмаган ҳолларда ўтказилади.

2.4. Дон маҳсулотлари зааркурандалари билан заарлаганлигини аниқлаш.

Доннинг омбор зааркунандалари билан заарланиши деб дон уюмида дон жамғармаларининг тирик зааркунандалари мавжудлигига тушунилади. Омбор зааркунандаларига донни сақлаш даврида заар келтирадиган кана ва ҳашаротлар киради. Ҳар қайси дон тўпламини баҳолашда таъсирланиш асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Зааркунандалар халқ хўжалигига жуда катта заар келтиради. Улар кўп

микдорда донни йўқ қиласи, ўз жасадлари, пўст ташлагандан кейинги териси ва ахлатлари билан ифлослайди.

Зааркунандалардан кўпчилиги уруғдонларининг мағзини кемириб, ун иш сифатини пасайтиради, хирмоннинг баъзи жойларида зааркунандаларнинг тўпланиши доннинг ҳарорат ва намлигини кўтарилишига сабаб бўлади ҳамда микроорганизмлар ва ўз-ўзидан қизиш жараёни учун қулай шароит яратади. Донни зааркунандалар билан заарланиши очиқ ва яширин бўлиши мумкин.

Заарланишининг очиқ шаклида дон уюмида тирик зааркунандалар топилади, яширган зааркунандалар эса ўзининг у ёки бу ривожланиш палласида дон ичида жойлашган бўлади. Зааркунандалар билан заарланадиган манбалар дала, транспорт воситалари, дон омборлари, инвентар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Дон қабул қилиш манзилларига автомашина ёки вагонларда келтирилган доннинг заарланишини ҳар тўпламдан ажратиб олинган ўртacha дон намуналарини элаш йўли билан аниқланади. Омборларда тўкма ҳолда сақланаётган донларнинг заарланишини 100 кв. м. Майдонли ҳар бир сексиядан ёки хирмоннинг бир қатламидан ажратиб олинган ўртacha намунадан аниқланади. Баландлги 1,5 мдан баланд бўлган хирмондан уч намуна ажратилади: юқори катламнинг юзасидан 10 мм чукурликда қоқ марказидан ва ер сатҳидан ажратилади. Баландлиги 1,5 м дан паст бўлган хирмондан юқори ва қуий қатламларидан икки намуна ажратилади. Донни зааркунандалар билан заарланиш таҳлили намуна ажратилган куни ўтказилади. Намуналарни таҳлилгача тозаланган, зич қопқоқ билан ёпиладиган шиша бонкаларда сақланади. Ҳар бир намуна алоҳида таҳлил қилинади. Тўпламнинг таъсирланиши ҳар қатламдан олинган намуналарнинг ичида энг кўп заарланган намунага қараб белгиланади.

Заарланиш даражаси тўғрисида 1 кг дондаги тирик зааркунандалар микдорига қараб фикр юритилади. Намуна қўлда думалоқ тешикли (пастдаги элак диаметри 1,5 мм, юқорисидаги 2,5 мм) элакда 2 дақиқа давомида эланади, яъни ҳар дақиқадаги тезлиги 220 айлана ҳаракат бўлади ёки механизация

усулида бу ҳаракат тезлиги бир дақиқа давомида 150 айланага етади. Диаметри 30 см бўлган элакда дон намунаси бир вақтда эланади.

Ҳарорат 5^0 паст бўлса кана ва ҳашаротларнинг ҳаракати қийинлашишини назарда тутиш керак. Шунингучун уларни тинч холатидан кузга тиш учун элакни $25\text{-}30^{\circ}$ ҳароратда 10-20 дақиқа давомида илитилади.

Элашдан кейин аввал донни йирик ҳашаротлар билан заарланиши аниқланади (мавритан козявкаси, ун миталари ва бошқа зааркунандалар). Бунинг учун 2,5 мм диаметрли тешикли элакда тўпланган донни ажратадиган тахтага жойланади, уни юпқа қатlam ҳолида текисланади, синчиклаб кўздан кечирилади ва қўлда терилади. Сўнг донни каналар билан заарланиши аниқланади. Шунинг учун 1,5 мм тешикли элакдан ўтган донни юпқа қатlam билан қора ойнали (ёки остига қора қофоз қўйилган ажратиш тахтасига тўкилади) ва лупа (4-4,5 катталикда) ёрдамида кана миқдори аниқланади. Заарланиш даражасини 1 кг донда уларни мавжудлигига асосланиб аниқланади:

1-даражада - 1 дан 20 нусхагача; 2 - даражада – 20 нусхадан ортиқ; 3 - даражада – каналар ялпи тўқ қатламни ташкил этади.

Донни узун тумшук, ун хўр ва бошқа майда ҳашаротлар билан заарланиш даражасини белгилаш учун 2,5 мм диаметрли тешикли элакдан ўтказилган донни оқ ойнага юпқа қатlam қилиб сочилади, зааркунандалар тури аниқланади ва 1 кг дондаги тирик нусхалар миқдори ҳисобланади. Ўлик зааркунандалар ҳисобга олинмайди.

Элангандан кейин омбор ва шоли узун тумшуғи топилса, уларнинг миқдорига асосланиб 1 кг донда аниқланади.


1-даражада – 1 дан 6 нусхагача; 2-даражада – 6 дан 10 нусхагача; 3-даражада – 10 дан ортиқ нусха;

Эслатма. Диаметри 1,5 мм тешикли элакдан ўтказилган донда узун тумшуқлар топилса, уларнинг миқдори ҳисобланади ва 2,5 мм тешикли элакдан ўтган узун тумшуқлар миқдорига қўшилади.

Заарланишнинг яширин шакли. Омбор ва шоли узун тумшуқлари

ўзларининг тухумчаларини дон ичига қўйиб, уларни дон қисмлари ва сўлак аралашмасидан иборат пўкак билан беркитиб қўяди. Қуролланмаган кўз билан бу пўкакларни топиш жуда қийин.

Донни узун тумшуқ билан яширин заарланишини аниқлаш учун ўртача намунадан танламасдан 50 та бутун дон санаб олинади, уларни ажратиш тахтасига қўйилади, сўнг ҳар бир доннинг ариқчалари бўйлаб кесилади ва лупа остида кўздан кечирилади. Заарланган донларда узун тумшуқлар у ёки бу ривожланиш даврида (личинка, гумбаги, қўнғиз) топилиши мумкин. Заарланган донлар микдори таҳлил учун олинган микдорга нисбатан фоизда ҳисобланади. Намунағи зааркунандалар сони ҳам аниқланади



2.6.-расм. Омбор узун тумшуғи билан доннинг яширин заарланишини аниқлаш (Брудноюсули):


1-илиқ сувда донни чайши (30^0); 2-донни 1% ликалий марганең аралашмасида чайши; 3-донни совуқ сувда чайши; 4-омбор узун тумшуғи; 5-марганең аралашмаси билан бўялган пўкакли дон; 6-дон ичидаги узун тумшуқ тухуми; 7-дондаги узун тумшуқ личинкаси; 8-личинка чиқадиган тешикли дон.

Донларни бурга-тошбақачалар (заарли хасва) билан заарланганлагини аниқлаш. Кўпгина буғдой етиштирувчи давлатлар ҳудудида қишки ва баҳори кор донларга заарли тошбақачалар, мавр бургаси, австрия бургаси (2.7-расм) энг кўп қирон келтиради. Ҳар хил турларнинг тана

узунлиги 8,3 дан 13 ммгача. Донларга катта ёшдаги бургалар, шунингдек, уларнинг личинкалари кўп заар қелтиради.

Ўсимликларни баҳорги ўсиш даврида бургалар бошоқларнинг ёш шохча ва баргларини шикастлайди. Бошоқланишдан олдин шохчага санчишлар бошоқланишнинг биринчи даврида донларда тўлиқ ёки қисман оқ бошоқлик кавачала ривожланишига олиб келади. Доннинг етилиш даврида катта ёшли бургалар, айниқса уларнинг личинкалари бошоқга сирғалиб чиқиб, дон мағзи билан озиқланади. Доннинг ташқи қиёфасининг ўзгариши бургаларни қайси етилиш фазасида шикаст етказишига боғлиқ. Донни думбул етилишигача шикастлантирилса у майда, буришган ва рангсизлигича қолади. Думбул етилиши фазасида дон шикастланишида камроқ ўзгаради: дон пўстидаги санчилган жойнинг ўртасида қора нуқтали оч рангли доғ, баъзида дон сатҳида шундай доғ пайдо бўлиб, унинг чегарасида шакли бузилган ёки буришган, аммо санчилишизларисиз бўлади. Дон қиёфаси яна ҳам кам даражада шикастланиши тўлиқ етилиш даврида кузатилади.

Донларни бургалар томонидан шикастланиши натижасида уларнинг мутлақ (абсолют) оғирлиги, униши ва нон ёпилиш сифатлари ёмонлашади.



1.7-расм. Дон бурга-тошбақачалари:

1-зараарлибурга-тошбақача; 2-маврбургаси; 3-австриябургаси; 4-тухуминингривожланиши; 5-турлиёшидагиличинкалари.

ДАСТ бўйича ташқи қиёфасига қараб, бурга-тошбақачалар билан донлар шикастланишини уч белгига бўлинади.

1. Дон устида санчилган жойда, марказида қора нуқтали аниқ чизиқда думалоқ ёки нотекис шаклли оч рангли доғ пайдо бўлади;
2. Дон устида худди шундай доғ пайдо бўлиб, унинг оралиғида езилган ёки буришган, аммо санчилишизлари бўлмайди;
3. Дон юзида муртак олдидаги санчилишизларисиз шундай доғ пайдо бўлади.

Шикастланишнинг барча ҳолларида ҳам дон консистенсияси оч рангли доғ остида бўш ва унли бўлади. Изланишларда кузатилишича, санчиш жойларида эндосперм тўқималарида хужайралар тузилиши бузилади, крахмал донлари эса шаклини йўқотган бўлади. Донни тошбақача-бургалар томонидан чақилиши натижасида унинг таркиби, ундаги оқсил ва углеводлар хусусияти ўзгаради. Оқсил моддалар зааркунандалар сўлагидаги протеолитик ферментлар ёрдамида полипептидларга парчаланади, амилаза крахмални гидролизлайди. Бунинг натижасида дон тўпламининг таркибида гарчи шикастланган донлар 2-3% дан ошмаса ҳам, унинг нон ёпилиш хусусиятлари кескин ёмонлашади.

Бургалар билан шикастланган дон ёмон ёки хамирда тезда суюлиб кетадиган клейковинага эга бўлади. Бунда юндан тайёрланган нон оз чиқиш ҳажми ва кам ғовакликка эга бўлади; шаклсиз ёпиладиган нон бўшашиб кетаверади. Шунинг учун унга қайта ишлашга мўлжалланган буғдой донида тошбақача-бургалар томонидан шикастланишни аниқлаш мажбурий тарзда амалга оширилади.

Шикастланган донлар микдорини аниқлаш учун бўлгич ёки қўлда 50 гр дон ажратилади, аралашмалар олиб ташланади ва ундан 10 гр бутун, соғлом донлардан намуна ажратилади. Ушбу намуна текшириш тахтасига жойланади ва донларни елка, ён ва ариқчалари кўздан кечирилади. Шикастланганлари ажратиб техник торозиларда 0,01 аниқликда тортилади ва топилган оғирликни намуна оғирлигига фоизда ифодаланади. Аниқлаш икки параллел намуналарда олиб борилади. Улар ўртасида рухсат этиладиган фарқ, шикастланган донлар

5% гача бўлса, 0,5% ва шикастланган донлар 5 дан 25% гача бўлса 1% гача рухсат этилади. Тошбақача-бургалар томонидан шикастланган донлар мавжудлигини аниқлаш натижалари дон сифати ҳужжатларида 0,1% аниқликкача қўйилади.

Донларни тошбақача-бургалар билан шикастланишини сариқ бочка деба таладиган ҳоллар билан адаштирмаслик керақ, чунки донлардаги сариқ доғларда қора нуқта, эзилиш ва буришганлик йўқ. Бундай донлар шикастланмаган ҳисобланади

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Етиштирилган буғдой ҳосилини албатда энг яқин қайта ишлаш корхоналарига топширилади. Бунинг учун эса буғдой ҳосилини қайта ишлаш корхонасига яқин хўжаликларда етиштирилган маъқул. Бу хўжаликни транспорт воситаларига харажатини камайтиради.

2. Йиғим-терим муддатлари бошланишидан олдин комбайнлар техник кўриқдан ўтказилиши лозим. Бу тадбир йиғим-терим пайтида донларни комбайнда янчилган синган донлар миқдорини сезиларли даражада камайтиради.

3. Қабул қилинаётган буғдой дони намлиги ва ифлослигини аниқлаш лозим. Агар намлик талаб етилган даражадан юқори бўлса, донларни даставвал қуритиш манзилига жўнатилиб, талаб даражаси ҳолатга келтирилиб, сўнгра сақлашга қўйилгани маъқул.

4. Буғдой дони намлиги маълум бир сабабларга кўра қуритила олмаса ундей холда буғдой дони уюми БМИ да келтирилган меъёрларга кўра назорат қилиниши лозим бўлади. Шундан келиб чиққан холда, буғдой донини сақлаш даврида дон уюмини текшириш, уни ўз-ўзидан қизиб кетишини олдини олиш чораларини амалга ошириш муҳимдир. Бунинг учун еса дон уюми ҳароратини мунтазам меъёрда ушлаш зарур.

5. Дон массасининг ўз-ўзидан сараланиши натижасида дон уюмининг пастки қисимларида туриб қолувчи зоналарнинг ҳосил бўлиши, ўз-ўзидан қизиш ўчоқларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Оператив сигими бўйича ажратилган дон уюмлари вақти-вақти билан ҳисоб китоб олиб бориш ва тозалаш натижасида ўз-ўзидан қизишни олдини олишга эришиш мумкин.

6. Ташқи иссиқлик оқимларининг мавжуд емаслигига кўра сочилувчан дон массасининг қуриш ҳажми атроф-муҳит таъсирига яқин бўлган уюм ташқи юзасининг майдонига bogлиqligi аниқланди.

7. Сақлашда дон массасининг шикастланиш сабаблари ва зааркундаларнинг таъсирини аниқлаш.

8. Сақланыётган дон массасига омбор зааркундаларининг таъсирини

ўрганиш натижасида қуидагилар аниқланди.

-дон масаси қанчалик қуруқ бўлса омбор зааркундаларининг таъсири ҳам шунча кам бўлади;

-дон массасининг ҳарорати зааркундаларининг ривожланишига таъсир кўрсатади ва заарланган донларни ҳарорат паст кунларда бир марта шамоллатиб олиш уларнинг кескин қирилишига олиб келади;

-шикастланган ва синган донлар микдори кам бўлган дон массасида омбор зааркундаларининг ривожланиши анча қийин кечади.

Ушбу тадбирлар ўз вақтида бажарилиши сақланаётган дон уюми сифатли сақланиши, сарғайган донлар фоизини камайтиришда, ўз-ўзидан қизишни олдини олади. Натижада бугдой донидан сифатли ун ва нон махсулотлари олинади.

ТАКЛИФЛАР

1. Фермер хўжаликлари озиқ овқат хавсизлиги чорасини албатта кўришлари шарт, бунинг учун ГОСТ стандарт сертификати, Агрохим маълумотномаси, Корантин сертификати.

2. Дон махсулотини давлат еҳтиёжига топширишда Фермер хўжалиги доннинг намлиги, бегона аралашмаси, натура вахоказо сифат кўрсаткичларини стандартларда белгиланган меъёрга етказиб ва ундан ҳам сифатли қилиб топшириш унинг фойдаси эканлигини турли реклама роликлар орқали тшунтириш.

3. Дон қабул қилишда тўғридан тўғри элеваторларга жойламаслик, аксинча аввал дон қабул қилиш шахобчасида дастлабки ишлов берилиб сўнгра ёпиқ сиғимдаги омборларга жойлашни тавсия етаман

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017/2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [strat://ege.regulation.gov.uz//dokument/2](http://ege.regulation.gov.uz//dokument/2)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиланган тантанали маросимидағи нутқи. //халқ сўзи 2017 йил 10 декабр
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлис сенати ва қонунчилик палатаси аъзоларига мурожаатномаси.//халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.
4. Атабоева X . “Ўсимликшунослик”. Тошкент. “Меҳнат”. 2000.
5. Атабоева X, Буриев X ва бошқалар, “Ўсимликшунослик”, Ташкент, “Меҳнат”, 2002 йил., 23-26 б.
6. Азимов Ш. Бозоров С.Р. ва бошқалар “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш технологияси ”бўйича ўкув услубий қўлланма. Самарқанд. 2007.
7. Бўриев X. Ч, Жураев Р., Алимов О, “Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси”. Тошкент, Меҳнат, 1997 йил.23-27 б.
8. Бутковский В. Г “Мукомольное производство”, Москва, изд “Колос”, 1993 год., с.34-39
9. Вавилов Н.И. “Izbrannye proizvedeniya v 2 tomakh” . L. Наука., 1967.
10. Гинзбург И. Е., “Технология крупяного производства”, Москва, “Колос”, 1997, 23-26 с.
11. Гафнер П.А. Пособие для аппаратчика мукомолного производства. М. ВО Агропромиздат 1990.
12. Егоров Г.А., Меелников Е.М. Технология муки, круим и комбикормов. - М.: Колос, 1984. - 375 ст.
13. Егоров Г.А., Мельников Е.М., Журавлев В.Ф. Технология и оборудование мукомольно-крупяного и комбикормового производства. – М.: Колос, 1979.

– 365 ст.

14. Конарев В.Г. Белки пшенист! - М.: Колос, 1980.
15. Лухачева Е.И. Влияние рестиркуляционной сушки на качество зерна пшенистм семенного и продовольственного назначения; Дис. канд.техн. наук. -М.,1975.
16. Максимов Г.А., Колкунова Г.К. Технологические свойства зерна тритикале. - М., 1980.
17. Мелников Е.М. Интенсификация технологический простессов крупяного производства;Дис.докт.техн.Наук. -М., 1980.
18. Мезник А. П., Хазине З. И., - Справочник по комбикормам, Москва, “Колос”, 1999 год, с.37-39.
19. Мирхолиқов Т., Айходжаева Н.К ва бошқалар. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш. Т., “Мөхнат”, 2004.
20. Орипов Р, Сулаймонов И, Умурзоқов Э. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси». Тошкент: «Мөхнат», 1991.
21. Рўзиев И. В., ”Омихта ем ишлаб- чиқариш технологияси”, Бухоро, 1998 йил., 34-37 с.
22. Хайитов А., Раджапов Э., “Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш технологияси”, курсидан тажриба ишларини бажариш учун услубий қўлланма, Бухоро, 2001. 26-37 б.
23. Черняев Н. В., “Технология комби кормового производства”, Москва, Агропромздат, 1996., с.23-28
24. Трисвятский Л. А., “Хранение зерна ”, Москва, Агропромзит, 1986 год.,34-37с.
25. Турсунхўжаев П., “Ун ва ёрма технологиясини илмий асослари”, Тошкент, 2009 йил., 46-49 б.
26. Хайитов А., Зокиров Р. ва бошқалар, “Омихта ем ишлаб чиқариш технологияси”, Бухоро, 2001. 46-53 б.
27. Шаумаров Х.Б., Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. Амалий ва лаборатория

машғулотлари ўтказиш бўйича ўқув қўлланма. Т., 2011. – 181-191 6.

Сайтлар:

1. <http://www.oqoltindon.uz>
2. [www.true.uz,](http://www.true.uz)
3. [www.ski.ilm.uz,](http://www.ski.ilm.uz)
4. [www.uhh.hamaii.](http://www.uhh.hamaii)
5. [www.ecfak.timacad.ru,](http://www.ecfak.timacad.ru)
6. [www.fadmin.ru,](http://www.fadmin.ru)
7. [www.tstu.uz,](http://www.tstu.uz)